VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

46 (367) ● 2015 йил 25 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Самарқанд вилоятида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 20 мингдан зиёд аъзоси бор

Партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқув-семинар баҳс-мунозара, савол-жавобларга бой тарзда ўтди

Депутатлар сайловчилар билан учрашувларда ЎзМТДП фракциясининг фаолияти хусусида батафсил маълумот бермоқда

Демократик кучлар блоки

## Қонун ҳужжатлари инвентаризацияси

**ва таҳлили жараёнида асосий эътибор уларнинг партия сайловолди Платформасига мос келиши ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишига қаратилмоқда**

***Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 23 январидаги парламент палаталарининг қўшма мажлисида қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ишламаётгани, бунинг сабаблари сифатида қонунлардаги нормаларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмагани, тегишли қонуности ҳужжатлари чиқарилмаётганига алоҳида эътибор қаратган эди.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ўтган даврдаги фаолияти давомида палатанинг 2015 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари Дастурига мувофиқ, барча қўмиталар томонидан қонун ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилиб, таҳлил қилинди. Қуйи палатада ЎзМТДП ва ЎзЛиДеП фракциялари ўртасида тузилган Демократик кучлар блокининг навбатдаги йиғилишида ана шу масала муҳокама қилинди.

Қонун ҳужжатларининг инвентаризацияси ва таҳлили якунларига бағишланган йиғилишда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Азамат Пардаев маъруза қилди.

— Қонунчилик палатасидаги барча қўмиталар соҳага оид қонун ҳужжатларини ҳар томонлама инвентаризациядан ўтказиш жараёнларига масъулият билан ёндашди, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда малакали мутахассислардан иборат экспертлар гуруҳи шакллантирилди.

> 4-бет.

Сайловчилар ҳузурида



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар







## Юзма-юз мулоқотлар

**жараёнида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, парламентнинг қонун ижодкорлиги ва аҳоли мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда**

***Депутат ўз сайловчилари олдида ҳамиша ҳисобдор, масъул саналади, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқиб, ўйлантираётган масалаларини ҳал этиш чораларини излайди. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, Давлат дастурлари мазмун-моҳиятини фуқаролар, сайловчиларга етказиши, улар орасида кенг тарғиб этиши лозим.***

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ, депутатлар ўз сайлов округларида бўлиб, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотда бўлмоқда. Жумладан, ЎзМТДП фракцияси аъзолари учрашувлар давомида Президентимиз маърузаларининг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан сайловчиларга ахборот беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга, қабул қилинган қонунлар ижроси, бугунги кунда ҳаётимиз учун зарур бўлган қонунлар, сайловчилар томонидан кўтарилган масалалар ва уларни ҳал этиш чоралари депутатлар диққат марказида бўлаётир.

Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлари ана шундай долзарб масалалар муҳокамасига бағишланиб, қизғин руҳда ва аҳолининг, айниқса, ёшларнинг фаол иштирокида бўлиб ўтмоқда.

**Хоразм.** 110-Хива сайлов округидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Жуманазар Отажонов**нинг Хива туманидаги Қурилиш ва сервис касб-ҳунар коллежида сайловчилар билан ўтказган учрашувида парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, янги қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти атрофлича муҳокама этилди.

— Жорий йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан маромига етказилиб қабул қилинган 13 та қонун кучга кирди, — деди Жуманазар Отажонов сайловчиларга парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти хусусида ахборот берар экан.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

**Самарқанд вилояти: Изчил изланиш ва ташаббускорлик**

барча даражадаги партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятининг бош мезони



> 3-бет.

**Польша парламенти**

қонун лойиҳаси қуйи палатада тўрт ўқишда кўриб чиқилиб, Сенатга юборилади



> 7-бет.

**Тошҳовли — бебаҳо тарихий обида**

Хоразм замини қадимий ва бой маданияти, гўзал ҳамда бетакрор обидалари билан дунё сайёҳларини ҳамиша ўзига ром этиб келмоқда



> 8-бет.



Ортиқали ҚОЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси:

**Мамлакатимизда халқимизнинг бебаҳо маънавий меросини асраб-авайлаш, санъатнинг барча йўналишини изчил равнақ топтириш орқали ёшлар тафаккури ва эстетик дидини юксалтириш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.**

**Навқирон авлоднинг қалби ва онгида маданий мерос намуналарига нисбатан ҳурмат туйғуларини кучайтиришда ЎзМТДПнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.**

**Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?**

Ўқув-семинар

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг хоҳиш-иродаси, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини акс эттирган қомусий ҳужжат. Халқимиз орзу-умидлари, иродасини ўзида мужассам этган Бош қомусимиз тинч ва осуда ҳаётимизни таъминлаб, келажаги буюк, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда муҳим ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда. Унда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар фуқароларда фаровон ҳаёт ва эртанги кунга ишончни янада юксалтирмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, қўлга киритилган ютуқ ва марралар Асосий қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ва кафолатларнинг амалдаги ифодасидир.***

## Қонун устуворлиги

**ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий талаби**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги муносабати билан ҳудудий партия ташкилотларида ўтказилаётган "Қонунга ҳурмат — ҳуқуқий демократик давлат фаолиятининг асосий талаби" мавзусидаги ўқув-семинарларда шу ҳақда сўз бормоқда.

> 2-бет.

Ташаббус натижа берди

## Нуротада боғчалар фаолияти янада яхшиланади

**халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи томонидан киритилган ташаббус-масала юзасидан сессия қарор қабул қилди**

***Мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳа қатори таълим тизимида ҳам изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ёшларнинг чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга бўлишини таъминлашдек эзгу мақсад йўлидаги бу саъй-ҳаракатлар ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол вояга етказишга хизмат қилади.***

Эртамиз эгаларининг ҳар томонлама соғлом бўлиб камол топишига кўмаклашиш ЎзМТДПнинг дастурий вазифалари сирасига киради. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида партиянинг турли даражадаги ташкилотлари, партия гуруҳлари муайян ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, ЎзМТДП ҳудудий ташкилотлари ташкил этаётган турли тарғибот тадбирлари орқали жисмонан соғлом ва ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилиш, болаларнинг руҳий-маънавий дунёси ва маданий савиясини ўстириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари эса ўз ваколатлари доирасида соҳада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришга кўмак бермоқда.

> 4-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





Ўқув-семинар

# Қонун устуворлиги

## ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий талаби

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.



**Андижон.** ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашида ўтган ўқув-семинарда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Семинарда ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси Комилжон Отахонов, партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Ҳамиджон Омонов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган инсонпарвар, халқчил қомус сифатида барча соҳада кенг имкониятлар эшигини очгани, истиқлол йилларида эришилаётган ютуқ ва марраларимизнинг асосий пойдеворига айланганини таъкидлади.

— 1991 йилда қўлга киритилган мустақиллик буюк қадрият сифатида ҳаётимиздан мустаҳкам жой олди, — деди ўқувда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — миллий давлатчилигимиз анъаналарини акс эттирган юксак ҳуқуқий ҳужжат” мавзусида маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Жумабоев. — Мамлакатимизда мустақил тараққиёт йилларида эришилган барча ютуқ ва марралар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, давлат бошқарувининг энг самарали механизмини жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини вужудга келтириш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларнинг изчил амалга оширилиши натижасидир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Конституциямиз ўз мазмун-моҳиятига кўра халқимиз тафаккурининг маҳсули бўлиб, у давлатни давлат, миллатни миллат сифатида танитадиган қомусномадир”. Шунингдек, Асосий қонунимиз миллий қадриятларимиз ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларини ўзида акс эттиргани билан ҳам қимматлидир.

Семинарда ўтган тарихан қисқа давр мобайнида Конституциямиз кўп асрлик ҳуқуқий анъаналар ва жаҳон тажрибасининг энг илғор жиҳатларини, энг мақбул принципларини ўзида мужассамлаштиргани ва амалда тўла намоён этаётгани таъкидланди. Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлар, мажбуриятлар, Бош қомусимизнинг ҳар бир моддаси фуқаролар манфаатига хизмат қилаётгани ҳаётий мисоллар билан тушунтирилди. Хусусан, Конституциямизда ёшларнинг таълим-тарбияси, ижтимоий муҳофазаси, интеллектуал салоҳиятини намоён этиши, касб-ҳунар эгаллаши каби асосий ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай тадбирлар ёшларнинг Асосий қонунимизни пухта ўзлаштиришига ёрдам қилмоқда.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражаси демократик жамиятнинг негизи ва ҳуқуқий тизим етуклигининг белгисидир, деб таъкидланган. Шу боис партия қадимдан халқимизга хос бўлган фазилатларни миллий қонунчилигимизга сингдириш, давлат иродасига ҳурмат билан қараш менталитетини мустаҳкамлашга интилади. ЎзМТДП нуқтаи назарича, ҳар бир фуқаро қонунларни наинки билиши, балки ҳурмат қилиши, уларда ифодаланган меъёрларни онгли равишда бажариши зарур. Зеро, қонунга ҳурмат ҳуқуқий давлатнинг, сиёсий-ҳуқуқий тизимлар самарали фаолиятининг асосий талабларидандир.

ЎзМТДПнинг ушбу дастурий мақсад-вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқув-семинар қизғин баҳс-мунозара, савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Семинарда халқ депутатлари Шаҳрихон туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Муқаддас Исоқованинг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги — фуқаролик жамияти ривожининг муҳим омили”, халқ депутатлари Марҳамат туман Кенгаши депутати Одилжон Ботировнинг “Ярашув — миллий анъаналаримизга хос ҳаётбахш қадрият” мавзусидаги маърузалари тингланди.

**Навоий.** — Бугун жамиятимизни ислоҳ қилиш, демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш борасида Президентимиз томонидан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган тараққиётнинг “ўзбек модели”ни бутун дунё эътироф этмоқда, — деди ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашида бўлиб ўтган ўқув-семинарда сўзга чиққан партия вилоят ташкилоти раиси ўринбосари Анора Бобомуродова. — Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини барпо этишдек улуғ мақсадларга эришишда Конституциямиз ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг хоҳиш-иродаси, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини мужассамлаштирган ҳуқуқий қомусдир. У мамлакат мустақиллиги, халқ осойишталиги, юрт фаровонлигининг ҳуқуқий асосидир. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида демократик давлат ва адолатли жамиятни шакллантириш, тинчлик-осойишталик ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш, миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириш борасида амалга оширилаётган ишларда Асосий қонунимиз асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлашни, ҳар бир шахснинг Конституция ва қонунларда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқаришни ўзининг энг муҳим вазифаларидан деб билади, — деди семинарда маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Козим Тожиев. — Партиямиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш — демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий мақсади ва энг муҳим воситаси деб ҳисоблайди. ЎзМТДП инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга нисбатан маданий-тарихий анъаналарни, халқ таълими тизимини тиклаш ва ватанпарварлик тафаккурини тарбиялаш, маънавий-аҳлоқий тикланиш нуқтаи назаридан қарайди. Шу боис партиянинг ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотларида олиб борилаётган тарғибот ишларида асосий эътибор Конституциямизни ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этишга қаратилмоқда.

Семинарда ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Азим Ёрқулов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси раҳбари ўринбосари Абдулла Рўзиқулов мавзу юзасидан маъруза қилди. Улар ЎзМТДП сайловолди Платформасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган мақсад-вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Партия Ўзбекистон халқининг миллий анъана ва урф-одатларини ўзида акс эттирган, унга хос бўлган мурувват, кечиримлилик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар суд амалиётига жорий этилишини устувор вазифаларидан, деб билади. Шу боис маърузачилар ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган оила, мерос, уй-жой даъвоси ва маиший турмуш манбаида туғиладиган бошқа низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони халқимизга хос бўлган тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўлини излаш, фуқароларимизнинг серташвиш суд мажлисларига хоҳиш-истагининг йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалланинг хизматидан фойдаланиш борасида тарғибот ишларини кучайтириш кераклигини таъкидладилар.

Асосий қонунимизнинг 15-моддасида қайд этилганидек, “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар”. Зотан, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шарти қонун устуворлиги экан, мамлакатимизда бу масалага давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллиги муносабати билан ўтказилган “Қонунга ҳурмат — ҳуқуқий демократик давлат фаолиятининг асосий талаби” мавзусидаги ўқув-семинар иштирокчилари шу ҳақда фикр-мулоҳаза юритди.

Семинар якунида ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг сайлов округларида бўлиб ўтаётган учрашувларида Ўзбекистон Конституцияси, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, уларни аҳоли, айниқса ёшларга кенг етказишга оид долзарб вазифалар хусусида фикр алмашилди.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Сайловчилар ҳузурида

# Юзма-юз мулоқотлар

## жараёнида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, парламентнинг қонун ижодкорлиги ва аҳоли мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— Шубҳасиз, бу қонунлар мамлакат тараққиётида, аҳоли фаровонлигида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ҳамда “Аҳолининг санитария ва эпидемиология осойишталиги тўғрисида”ги қонунлар халқимиз саломатлигини асраш, ёшларни спортга янада кенг жалб этиш ишларида алоҳида ўрин тутади. Ушбу қонунлар амалиётини таъминлаш эса бутун жамиятимиз олдида турган муҳим вазифадир. Айни шу масала учрашувда иштирок этган ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Учрашув давомида сайловчилар томонидан қишлоқларни янада ободонлаштириш, ёшлар бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ўртага ташланди. Депутат сайловчиларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги вакилимиз билан учрашув чоғида парламентнинг қонун ижодкорлиги, янги қонунлар билан танишиш билан бирга ўзимизни қизиқтирган саволларга ҳам муносиб жавоб олиш имконига эга бўлдик, — дейди Хива туманидаги Қурилиш ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Моҳира Мусаева. — Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчи ёшларини иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида батафсил маълумот олдик. Бу борада 2016 йилга мўлжалланган иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилгани, унга мувофиқ мамлакатимизда келгуси йилда бир миллионга яқин янги иш ўрни яратилиши режалаштирилаётгани таъкидланди. Бунда, айниқса, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани айни муддаодир.

Шунингдек, Хоразм вилоятида 107-Гурлан сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат **Иноят Ҳожиев** ҳам ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказмоқда. Жумладан, депутат Урганч тумани Бекобод ва Чоткўпир қишлоқларида сайловчилар билан учрашиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари Дастури доирасида олиб борилаётган ишлар, шу билан бирга ЎзМТДП фракциясининг фаолияти хусусида батафсил маълумот берди. Шунингдек, депутат сайловчиларни 8 декабрь — Бош қомусимиз қабул қилинган кун билан қутлаб, Конституциямизнинг мамлакатимиз тараққиётидаги, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашдаги аҳамиятига тўхталди. Таъкидланганидек, сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий ислоҳотларга ҳуқуқий асос бўлиб, она диёримизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилаётган барча қонунлар Асосий қонунимиздан келиб чиқиб яратилган. Конституциямиз ҳам, ўз навбатида, халқимиз миллий қадриятларидан келиб чиқиб яратилганлиги эътироф этилиб, ўзимизга хос ва мос йўлдан дадил боришимизга, халқимизнинг бунёдкорлик, яратувчилик салоҳиятини рўёбга чиқаришига имкон бераётгани қайд этилди.

**Жиззах вилояти.** 33-Пахтакор сайлов округи Жиззах, Пахтакор ва Зафаробод туманларини ўз ичига олади. Айни кунларда мазкур ҳудудларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси **Алишер Қодиров**нинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Шундай учрашувлардан бири Жиззах туманининг Файзиобод қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилди. Учрашувда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Қодиров парламент қуйи палатасида олиб борилаётган қонун ижодкорлиги фаолияти, мазкур жараёнда партия фракциясининг иштироки ҳақида сўз юритар экан, қуйи палата томонидан амалга оширилаётган ишлар, энг аввало, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиёти, эл-юрт равнақи ва фаровонлигига хизмат қилишини эътироф этди. Кўп минг сонли сайловчиларнинг юксак ишончи ва эътибори эса ҳар бир депутатдан янада фаол ва ташаббускор бўлишни талаб этишини таъкидлади.

Депутат учрашув Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг қутлуғ 23 йиллиги арафасида ўтаётганини таъкидлар экан, Бош қомусимиз мамлакатимизда эркин ва обод Ватан, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг асосий пойдевори эканлигини алоҳида эътироф этди.

— Мазкур учрашув менда катта таассурот қолдирди, — дейди Жиззах туман Транспорт ва саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Жамшид Ҳусанов. — Депутат билан бевосита мулоқот орқали бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришлардан, парламент қуйи палатасида ишлаб чиқилаётган қонунлар, биз ёшларга яратилаётган имкониятлар, уларнинг юртимиз тараққиётида тутган ўрни ҳақида маълумотларга эга бўлдик.

Жиззах, Зафаробод ва Пахтакор туманларининг қатор ҳудудларида ташкил этилган учрашувларда депутат “Хусусий мулк ҳуқуқларининг янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қонун хусусида тўлиқ маълумот берди. Қайд этилганидек, мазкур қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Фуқаролик, Уй-жой ва Солиқ кодекслари ҳамда ўндан зиёд қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани мамлакатимизда хусусий мулкдорлар ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятини янада кучайтиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиёти ривожида тадбиркорлар ҳиссасининг кенгайишига олиб келади.

**Тошкент вилояти.** — Дарсдан бўш вақтларимда ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланаман, коллежни битирганимдан сўнг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятидаман, бу борада қандай имкониятлардан фойдалансам бўлади? — дея савол берди Қибрай туман Тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Бахтиёр Тожибоев ЎзМТДП фракцияси аъзоси **Элдор Туляков** билан бўлиб ўтган учрашувда. Коллежга йиғилган бир гуруҳ сайловчилар — ўқитувчи ва битирувчилар, тумандаги бир қанча маҳалла фаоллари депутат билан юзма-юз мулоқотда бўлдилар.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси бу борада Президентимизнинг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини тугатган ёш мутахассисларнинг бандлигини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлаётганини таъкидлади. Мазкур фармон ҳамда соҳага оид қатор қонунлардан келиб чиққан ҳолда ҳудудлардаги тижорат банклари ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ипотека, истеъмол ва таълим кредитларини имтиёзли шартлар асосида ажратаётгани, уларнинг бизнес-лойиҳалари маъқулланиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароит яратилаётгани хусусида батафсил маълумот берди.

Бекобод шаҳар Ёшлар маркази ҳамда туман тиббиёт бирлашмасида ўз сайловчилари билан учрашган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Даврон Орипов** юзма-юз мулоқотлар давомида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мазмун-моҳияти, унда белгиланган кафолатлар озод ва обод Ватан, тинч-осуда ва фаровон ҳаёт барпо этишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганига эътибор қаратди. Депутат мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларимизга эришиш, юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда Бош қомусимиз мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини аниқ мисоллар асосида таҳлил этиб бераётгани аҳоли ва электорат вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

— ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлари чоғида аҳоли, айниқса, ёшларнинг кенг иштироки кузатилмоқда, — дейди Бекобод туманидаги тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Илҳом Насриддинов. — Боиси, ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётган бугунги фуқаролар депутатларнинг мамлакатимиз қонунчилиги, ЎзМТДП фракциясининг дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш борасидаги лойиҳалар, ташаббуслар ҳақида аниқ маълумотлар бераётганининг гувоҳи бўлаётир. Қолаверса, яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган инвестицион форум, унда 300дан ортиқ фирма ва компания раҳбарлари мамлакатимиз билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича кенг кўламли шартнома ва келишувлар имзолагани хусусида маълумот олиб, дунёда Ватанимизнинг иқтисодий-молиявий салоҳиятига ишонч тобора мустаҳкамланиб бораётганини яна бир бор ҳис этдик.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ЎзМТДПдан сайланган депутат **Одил Тожиев** ҳам ўз сайлов округида сайловчилар билан қизғин учрашувлар ўтказмоқда.

**Самарқанд вилояти.** 50-Регистон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат **Марҳабо Ғафурова** Самарқанд шаҳридаги 2-туғруқ мажмуаси, “Чашма” маҳалласи ҳамда 17-умумтаълим мактабида ўз сайловчилари билан учрашди.

Учрашувларда ёшларга оид давлат сиёсати моҳиятига алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимизда йигит-қизларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун барча шарт-шароит яратилгани хусусида аниқ мисоллар воситасида фикр юритилди. Хусусан, давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳаларга, жумладан, 14 фоизи эса таълим соҳасини молиялаштиришга йўналтирилаётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирларда 17-умумтаълим мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Марҳабо Сайдиева, 2-сон туғруқ мажмуаси шифокорлари Гулбаҳор Қурбонова, Ирода Ҳалилова ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси **Алишер Ҳамроев** Самарқанд тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, Пулимуғоб, Қўштамғали, Конигул, Бадал, Чумчуқли маҳаллалари ҳамда “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғинида, Тайлоқ туманидаги бир қанча маҳалла ва таълим масканларида сайловчилар, электорат вакиллари билан юзма-юз мулоқотда бўлмоқда.

Депутат “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси, “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”, “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунларнинг мазмун-моҳияти хусусида йиғилганларга батафсил маълумот берди.

— Ўзимиз сайлаган депутат билан дилдан суҳбатлашиб, парламент фаолияти билан яқиндан танишганимиздан хурсандмиз, — дейди Самарқанд туманидаги “Оқмачит” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илҳом Мирзаев. — Бу каби учрашувлар юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг бориши, халқимиз фаровонлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинаётган қонунлар хусусида аҳоли ва электорат вакилларига кенг маълумот бериш, ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини самарали амалга оширишга хизмат қилмоқда.

**Бухоро.** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувларида партия фаоллари, туман ва шаҳарлар раҳбарлари, молия, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, газ, электр тармоқлари ходимлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқдалар.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси **Жаҳонгир Ширинов** Жондор туманидаги 31-умумтаълим мактаби ва тиббиёт бирлашмасида сайловчилар билан учрашиб, яқинда қабул қилинган қонунлар, муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари, Президентимиз фармон ва қарорларининг мазмун-моҳияти, шунингдек, келгусидаги вазифалар тўғрисида ўз фикрларини баён этди. Учрашувларда сайловчилар ҳудудга хос бўлган масалалар юзасидан саволлар билан мурожаат қилдилар.

— Бугунги учрашув аҳолини амалдаги қонунлар мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш, уларда қонун ижодкорлиги фаолиятининг моҳият жиҳатидан нечоғли такомилга етиб бораётганлиги борасида аниқ тассаввур ҳосил қилишига ёрдам беради, — деди “Работак” МФЙ раиси Шодмон Сафаров. — Қонунлар ишлаб чиқилаяпти, муҳокама қилиниб, тегишли тартибда қабул қилинаяпти. Бироқ, бу қонунлар мазмун-моҳиятидан аҳоли бирдек бохабар бўлмас экан, уларнинг амалдаги ижроси ҳам, ҳар бир фуқаронинг бу борадаги ҳуқуқий билим ва тафаккури юксалиши ҳам секин кечади. Қонунчилик палатаси депутатининг ушбу жиҳатларга эътибор қаратгани ва мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар моҳиятини йиғилганларга содда, шу билан бирга, барчага тушунарли усулда тушунтиргани, ўйлайманки, бесамар кетмайди.

Қонунчилик палатаси депутати **Назир Собиров** Қоракўл туман Иқтисодиёт, Саноат транспорт коллежларида, 5 ва 43-умумтаълим мактабларида, Солур қишлоқ врачлик пунктида сайловчилар билан учрашди. Учрашувларда депутат ўзи аъзо бўлган Қонунчилик палатаси қўмитаси фаолияти, бунда ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг иштироки, шунингдек, ўтган галги учрашувларда сайловчилар томонидан кўтарилган масалаларнинг қай даражада ҳал этилганига эътибор қаратди. Н.Собиров ўзи аъзо бўлган Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ўтган давр мобайнида қатор назорат-таҳлил ишларини амалга оширганини, Қонунчилик палатасининг иш режасига мувофиқ, қонун ва қонуности ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш ишларида фаол иштирок этганини таъкидлади. Хусусан, яқинда қўмита томонидан “Ўзтрансгаз” компанияси бошқаруви раисининг “Аҳолини табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар ва ривожланиш иқтиболлари тўғрисида”ги ахбороти эшитилганини қайд этди. Депутат эшитув доирасида олинган маълумотлар асосида ҳудуд аҳолисини табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш масалаларида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Сайловчилар томонидан ҳам қатор масалалар ўртага ташланди, фикр-мулоҳазалар қайд этилди.

— Учрашув қизғин, баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди, — дейди халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Қозоқбой Давлатов. — Депутат билан дилдан суҳбат қурган сайловчилар бундан кейин ҳам бу каби тадбирлар тез-тез ўтказилишидан манфаатдор эканлигини билдирдилар. Албатта, учрашувларда сайловчилар ўзларини қизиқтираётган масалалар, таклиф-мулоҳазаларини айтади. Ўз навбатида, бундай юзма-юз мулоқот, албатта, барча учун бирдек фойдалидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Феруза Ибрагимова** Когон шаҳридаги 6-умумтаълим мактабида ва “Туркистон” МФЙда ўз сайловчилари билан учрашди. Учрашувларда депутат мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ишлаб чиқилганлиги, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинганлиги ва бошқа қонуности ҳужжатлар ҳақида тўхталди. Бу каби қонун ҳужжатлари партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросида ҳуқуқий асос бўлиши ҳамда электорат ва ёшлар манфаатлари ҳимоя қилинишида муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

*Бир сўз билан айтганда, депутатлар аҳоли билан учрашувларда Бош қомусимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар хусусида алоҳида тўхталмоқдалар. Истиқлолни асрабавайлаш, бу дориломон, фаровон кунларнинг қадрига етиш, ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳар бир юртдошимизнинг муқаддас вазифаси экани таъкидланмоқда.*

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.*

**“Milliy tiklanish” мухбирлари**

## Самарқанд вилояти:

# Изчил изланиш ва ташаббускорлик

### барча даражадаги партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятининг бош мезони

**Миллий қадриятлар, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш, навқирон авлодни жисмонан ва маънан етук қилиб тарбиялаш, оилавий тадбиркорлар ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остидаги маҳсулотларнинг нуфузини ошириш борасида партия илгари сураётган ғоялар аҳолининг ЎзМТДПга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Галдаги вазифа ана шу ишончни оқлаш ва партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини изчил таъминлашдан иборат. Бу борада партия ўз ғоялари тарғиботига бағишланган тадбирлари сони ва сифатини ошириши, тарғибот ишларида ноанъанавий усуллардан фойдаланиши, ҳудудлардаги айрим масалаларни ҳал этишда партия гуруҳлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаши зарур. Бу барча даражадаги партия ташкилотлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Зотан, ЎзМТДПнинг нуфузини ошириш кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Партия Самарқанд вилоят кенгаши раиси Субҳон АББОСОВ билан ана шу мавзуда суҳбатлашдик.**



**— Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли ортиб бораётган бугунги партиялараро рақобат шароитида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан ҳам фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади. Шу боис дастлаб ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгашининг бу борада амалга ошираётган ишлари ва партия ташкилоти олдида турган долзарб вазифалар хусусида тўхталиб ўтсангиз.**

— Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши кераклиги таъкидланган эди. Шу боис сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни янада чуқурроқ ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлик бирлашмаларидан жойларда партия ижтимоий қатлами манфаатларига хизмат қиладиган амалий ишларни бажаришда изчил изланишлар олиб бориш, фаоллик кўрсатиш ва янги ташаббуслар билан чиқишни тақозо этади. ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши партиямиз электорати бўлган зиёлилар, илм-фан, таълим, маданият соҳалари вакиллари, ҳунармандлар, халқ усталари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Бироқ, электорат манфаатларини ишончли ҳимоялаш, аҳолини ўйлантираётган айрим масалаларни ҳал этиш, партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижроси учун тинимсиз ҳаракат қилиш барча даражадаги партия ташкилотларининг кундалик юмушига айланмоғи лозим. Шундагина партиямиз жамият ҳаётида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб, электорат ишончини қозонади. Шу боис партия гуруҳлари билан ҳамкорликда электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббус-масалаларни ишлаб чиқиш борасида ҳамкорликни янада кучайтирмоқдамиз. Хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини ривожлантириш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, жойларда музейлар ташкил этиш борасида ташаббус лойиҳаларини ишлаб чиқиш бугунги фаолиятимизнинг асосига айланган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар 72 депутатлик сўровини амалга оширгани, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларига 2 таклиф олиб чиқилиб, 17 мансабдор шахс ҳисоботи тингланиши ҳам партия вилоят ташкилоти ва депутатларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги натижасидир.

**— ЎзМТДП электорати ҳисобланган ҳунарманд ва оилавий тадбиркорлар манфаатини янада ишончли ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келаётир. Самарқанд вилоят партия ташкилоти бу борада қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— Партиямиз мақсад-вазифалари ва сайловолди Платформасидан келиб чиқиб, "устоз-шогирд" қадриятларига тўлақонли жавоб берадиган миллий, амалий ҳунармандчиликнинг замонавий турларини ривожлантириш ҳамда уларни рағбатлантириш борасида ҳудудий партия ташкилотларига аниқ режа ва топшириқлар белгилаб берилган. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида шу мақсадга йўналтирилган 570 тадбир ўтказилди. Партия тадбирларида ҳунармандлар кўргазмасини ташкил қилиш доимий анъанага айланган. Жорий йилда бўлиб ўтган "Банк кредитлари — ҳунармандларга" лойиҳаси, "Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик" шиори остида ўтказилган фестиваль ҳамда қатор танловларда вилоятимиз ҳунармандлари, оилавий тадбиркорлар ва мусаввирларининг кўргазмалари намойиш этилди. Бундан ташқари, партия вилоят кенгашининг "Тадбиркор — элга мададкор", "Аёлга бахт беринг", "Гўзаллик қўлингда" мавзуларидаги кўргазмаларида хотин-қизлар ва ёшлар тикувчилик, гиламдўзлик, зардўзлик, қандолатчилик каби йўналишларда ўз меҳнат маҳсулини намойиш этди. Бу борада партиянинг Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳар, Ургут, Пайариқ туман кенгашлари алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. "Миллий либосларимиз миллий ғуруримиз", "Миллий либослар — миллат кўзгуси" мавзусидаги тадбир ва кўргазмаларни партия дастурий вазифалари ижроси йўлидаги амалий ишлар деб баҳолаш мумкин. Бундан ташқари, мазкур тадбирлар доирасида навқирон авлод вакилларининг тасвирий ва амалий санъат асарлари, халқ ҳунармандлиги буюмлари кўргазмаси ўтказилиши бир қатор ёш ва истеъдодли мусаввирларни, ҳунармандларни кашф этишга хизмат қилмоқда. Масалан, ЎзМТДП фаоли, ургутлик Мавлуда Ҳамдамова ҳам дастлаб партия тадбирлари орқали ўз истеъдодини намойиш этган эди. Бугун унинг маҳсулотлари нафақат ички бозорда харидоргир, балки хориждан ташриф буюраётган сайёҳларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

**— Ҳар қандай сиёсий партия биринчи навбатда навқирон авлод қалбидан жой олиши, ўз сафини иқтидорли, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар ҳисобига кенгайтириши зарур. Бу партия ғояларини янада кенгроқ тарғиб қилишга имкон яратади. ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгашининг бу борадаги тажрибаси билан ўртоқлашсангиз...**

— Мамлакатимиз келажаги, жамиятимиз таянчи ва ажралмас қисми бўлган ёшларни Ватанга, аждодларимизга муносиб фарзандлар бўлишга рағбатлантириш, ёш авлод қалбида миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш — партиямизнинг дастурий мақсад-вазифаларидан. Унинг амалдаги ижросини таъминлаш партия "Ёшлар қаноти" зиммасига ҳам муайян вазифаларни юклаши табиий, албатта. Турли лойиҳа ва ташаббуслар билан чиқиш, таъсирчан тадбирлар орқали партия сафини ёшлар ҳисобига кенгайтириш — улар олдида турган муҳим вазифадир. Бугунги кунда вилоятда жами 20 мингга яқин ЎзМТДП аъзоси бор. Уларнинг ярмидан кўпроғи ёшлардир. Мана шу рақамнинг ўзиёқ барча даражадаги партия ташкилотларидан ёшлар билан ишлашда янада масъулиятли бўлишни талаб этади. Чунки ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш каби эзгу мақсадга биринчи галда маънан ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш ҳамда соғлом жамият асосларини шакллантириш орқали эришилади. Бу борада аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган тарбия мезонлари, миллий қадрият ва анъаналар асосида баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этади. Ана шу мақсадда ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ўтган 9 ой давомида 200 дан зиёд тадбир ташкил этди.

Фарзандларимизнинг юксак маънавиятли, баркамол, миллий қадрият ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида вояга етишида оила, маҳалла ва кенг жамоатчилик ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Партия "Ёшлар қаноти" ҳамкор ташкилотлар билан ўтказаётган тадбирлар партиямизга навқирон авлод вакилларини кенг жалб этишга хизмат қилмоқда. ЎзМТДП шаҳар ва туман кенгашларида ўтказилаётган "Юртим тарихини ўрганаман", "Озод юртнинг обод гўшаси" мавзусидаги ёшлар акциялари вилоятимиз ёшлари эътиборини қозониб улгурган лойиҳалар сирасига киради.

"Ёшлар қаноти" ўтказаётган тадбирларда тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, юртга садоқат, Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш, ота-боболаримизга муносиб авлод бўлиб етишиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Ана шундай мақсадларга қааратилган тадбирлар партиямизга аъзо бўлаётган ёшлар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

**"Milliy tiklanish" мухбири**
**Ориф Холикулов**
**суҳбатлашди**

## ЎзМТДП дастури — амалда

# Халқчил мақсад ва вазифалар

### ижросига қаратилган партия лойиҳалари ЎзМТДП тарафдорлари сафини кенгайтирмоқда

***"Бугунги авлод вакиллари халқимизга хос бағрикенглик, олижаноблик, мардлик ва жасурлик туйғулари билан суғорилган халқ достонларининг таъсирида вояга етмоқда. Уларда Алпомишнинг шижоати, Гўрўғлининг жасорати бор. Ваҳоланки, бундан салкам чорак аср олдин бу достонларнинг ўзи тугул, номи ҳам унутилаёзган эди".***

Кексаларни эъзозлаш йилига бағишлаб Иштихон туманида ўтказилган тадбирда иштирок этган 90 ёшли Ҳамид отанинг бу фикрлари бугунги ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, яратилаётган шароитларнинг масъулиятини чуқур ҳис этиш, билдирилган ишончни оқлаш ва юртимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш борасида ўзига хос маҳорат сабоғи вазифасини ўтади.

Таъкидлаш жоиз, истиқлол йилларида нафақат халқ достонлари, балки мингйиллик урф-одат, анъана ва қадриятларимиз ҳам қайта тикланди. Ота-боболаримизнинг бой илмий-адабий мероси қадр топди. Бу халқимизнинг ўзлигига қайтаётганидан, ана шу бой меросдан маънавий озуқа олаётганидан далолат.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси халқимизнинг ўз кучига бўлган ишончини янада юксалтиришда тарихимизни чуқур ўрганиш, ёшлар онгу-шуурида миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳини шакллантиришни муҳим ҳисоблайди. Ана шу ғоя партия лойиҳалари, ташкил этилаётган тадбирлар, кўрик-танлов ва фестивалларнинг бош мавзусига айланган.

Самарқанд вилояти Нарпай туманида бўлиб ўтган "Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!" шиори остидаги фестиваль ҳам ана шу мақсадга хизмат қилди.

— Фестивални ташкил этишдан асосий мақсад — ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, демократик ўзгаришлар билан яқиндан таништириш, уларда юртимизда амалга оширилаётганислоҳотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат, — деди тадбирда иштирок этган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Азамат Пардаев. — Бу навқирон авлоднинг Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида улғайишида муҳим аҳамият касб этади, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиради. Ёшларни тинчлик-осойишталик, фаровон турмушимизни таъминлаш йўлида бирлаштираётган ушбу лойиҳа ЎзМТДП сайловолди Дастурида белгиланган мақсад-вазифалар ижроси учун ҳам ғоят муҳим. Зотан, партия халқимиз маънавияти ривожи ва жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мурувват, меҳмондўстлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, бағрикенглик, яхшилик ва саховатпешалик каби миллий хусусиятларимиз тарғиботига асосланган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни янада ривожлантиришни ўзининг устувор вазифаси деб билади.

"Биз ёшлар "оммавий маданият"га қаршимиз!" лойиҳаси ҳам ана шундай мақсад-вазифа рўёбига хизмат қилаётир. Йилдан-йилга тадбир иштирокчилари сафи кенгайиб бораётгани ёшлар маънавиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлаётир. Самарқанд туманида ташкил этилган тадбир юқоридаги фикримизни яна бир карра исботлайди.

— Бугун деярли ҳар учинчи юртдошимиз Интернетдан фойдаланаётир, — дейди ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Ғайрат Сатторов. — Бу, бир томондан, халқимизнинг дунёга фаол интеграциялашаётганини англатса, иккинчи томондан, Интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш янада долзарблик касб этаётганини кўрсатади. Бу уларни "оммавий маданият"нинг салбий таъсирларидан асрашда муҳим аҳамият касб этади. Партиянинг "Биз ёшлар "оммавий маданият"га қаршимиз!" лойиҳаси ана шу жиҳати билан ҳам аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоиз, камолотга чорлайдиган эзгу таълимотлар билан ёвуз ғоялар ўртасидаги азалий кураш бугун ҳар қачонгидан-да кескинлашиб, ҳар бир инсон, айниқса, ёшларнинг онгу қалбида чуқур акс-садо бермоқда. Бу инсоният тасаввури ва тафаккурининг юксак маҳсулидан ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкинлигини яна бир карра исботламоқда.

Айнан глобаллашув баҳонасида қайсидир давлат ёки қандайдир марказлар дунёнинг бошқа четидаги одамлар мафкурасини ўзгартиришга, уларни ўз ғаразли ғояларига ишонтиришга, бинобарин, уларни ўз ортидан эргаштиришга уринмоқда. Бунга "нишон бўлган" инсонларнинг на миллий қадриятлари, на урф-одатлари ва на имон-эътиқоди, хоҳиш-иродаси эътиборга олинади.

Модомики шундай экан, бугунги кунда халқаро Интернет тармоғини миллий ахборотлар билан тўлдириш энг долзарб масалалардан биридир. Ана шу ҳаётий ҳақиқатни ўз дастурий мақсад-вазифалари сирасига киритган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ёшларни "оммавий маданият" таҳдидларидан асраш тарафдори. Партия сайловолди Платформасида халқимизга ёт, айниқса, ёш авлод онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсирига қарши курашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу мақсадда партия ёшларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, шу мақсадга қаратилган телевизион кўрсатув ва радиоэшиттирувларни уюштириш, ёшларни ахборот-ресурс марказларига жалб этиш, мамлакатимиздаги мавжуд маданий-тарихий ёдгорликларга оммавий ташрифларини уюштириш каби мақсад-вазифаларни амалга оширишни ўз зиммасига олган. ЎзМТДПнинг мазкур мақсад-вазифалари жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Партиянинг баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган мақсад вазифалари фарзандини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш эзгу мақсади бўлган халқимизнинг орзу-ниятларига уйғун ва ҳамоҳанг. Зотан, бугунидан рози ва эртанги куни умидбахш халқнинг фарзандлари эзгулик ва маърифатга интилиб яшайди. Ана шундай халқчил вазифалар ижросига қаратилган партия лойиҳалари ЎзМТДП нуфузини оширмоқда, тарафдорлари сафини кенгайтирмоқда.

**Ҳасан САЛОМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Фаолият факт ва рақамларда:**

*✓ Самарқанд вилоятида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 20 мингдан ортиқ аъзоси бор*
*✓ Партия аъзоларининг 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади*
*✓ Самарқанд вилоятидан ЎзМТДПдан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 5, халқ депутатлари вилоят Кенгашида 14, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида эса 95 нафар депутат фаолият олиб бормоқда*
*✓ Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар 72 депутатлик сўровини амалга оширди. Маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларига 2 таклиф олиб чиқилиб, 17 мансабдор шахс ҳисоботи тингланди*
*✓ Вилоятдаги 383 бошланғич партия ташкилоти ЎзМТДП тарғиботида фаоллик кўрсатмоқда*

## Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Партия ғоялари тарғиботи

### жараёнида қуйи бўғинлар ҳам муносиб улуш қўшишга интилмоқда

***Маънавий юксалиш миллий ўзликни англашдан бошланади. Зотан, тарихини, теран илдизларини билмаган, англамаган халқнинг келажаги бўлмайди.***

Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбари раҳнамолигида миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни қайта тиклаш, ота-боболаримизнинг илмий меросини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилаётир.

Ана шу ҳаётий ҳақиқатни кенг аҳоли қатламига, жумладан, ЎзМТДП аъзоларига етказиш, партия ташкилотлари, хусусан, бошланғич партия ташкилотларининг долзарб вазифасига айланган. Самарқанд вилоятида ҳам ана шундай масъулиятли вазифа ижросида ўрнак бўлаётган қуйи бўғинлар кам эмас. Самарқанд туманидаги "Гулобод" маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилотининг фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

— Маънавий юксалиш барча соҳадаги тараққиётнинг бош омилидир, — дейди қуйи бўғин етакчиси Дилдор Саидова. — Ташкил этаётган ҳар бир тадбиримизда ана шу ғоя мазмун-моҳиятини янада кенгроқ тарғиб қилиш ва тушунтиришга ҳаракат қиляпмиз. Бугунги тадбир ҳам шу мақсадда ташкил этилди. Тадбирларга таклиф этилаётган кекса отахон ва онахонларнинг истиқлолгача бўлган даврни бугунги кунимиз билан ҳаётий мисоллар орқали қиёсий таққослаши, тарихчи олимларнинг салкам чорак аср олдинги маънавий ва иқтисодий ҳаётимиз ҳақидаги асосли фикр ва хулосалари ёшларга истиқлол берган имкониятларни янада теранроқ англашга имкон яратмоқда. Галдаги вазифамиз бу каби тадбирлар сони ва сифатини ошириш, уларда иштирок этаётган ёшлар сафини янада кенгайтиришдан иборат.

Таъкидлаш жоиз, мазкур қуйи бўғин 2006 йилда 8 нафар партия ғояларига хайрихоҳлар аъзолигида ташкил этилган эди. Ҳозир элликка яқин партия аъзосини бирлаштирган "Гулобод" маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги бошланғич партия ташкилоти партия сайловолди Платформаси ижросига қаратилган тадбирлар ташкил этишга жиддий эътибор қаратиб келаётир. "Аёлни улуғлаш — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғлаш демак", "Баркамол ёшлар обод Ватан келажагидир", "Юртимиз ифтихорлари ёшлар даврасида", "Глобаллашув жараёнлари ва мафкуравий таҳдидлар", "Кексаларни эъзозлаш — давлат сиёсатининг устувор йўналиши" каби мавзулардаги учрашув ва давра суҳбатлари партия ғоялари тарғиботида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай тадбирлар бошланғич партия ташкилоти аъзолари, айниқса, ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, миллий, маданий ва маънавий қадриятларимиз, бой тарихий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлашга, партиянинг аҳоли орасидаги нуфузини, хайрихоҳлари ва аъзолари сафини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

**Ҳасан ФАРМОНОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## "Конституция — суверен ва демократик давлат пойдевори" танловига

# Миллатлараро бағрикенглик кафолати

***"Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади..."***
**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасидан**

Хитойлик профессор Ма Цуи Ли тўрт йилдан буён Самарқанд давлат чет тиллари университетида талабаларга хитой тилидан сабоқ беради. "Шу йиллар давомида халқингизнинг ўзига хос ноёб фазилатларига гувоҳ бўлдим. Кўп нарса ўргандим. Бундай меҳмондўст, бағрикенг халқни бошқа ҳеч қаерда кўрмаганман", дейди у ҳар гал талабалар билан суҳбатда.

Хитойлик ўқитувчининг бу гаплари самимий. Дарҳақиқат, Асосий қонунимиз мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини, тинчлик-хотиржамликни, сиёсий барқарорликни, ижтимоий тотувликни, иқтисодий тараққиётни таъминлаб келаётир. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг маданияти, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун барча қулай шарт-шароит яратилган. Улар бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида яшаб, Ватанимизнинг янада равнақ топиши йўлида меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олиши, қизиқиш ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллаши, маданияти, анъана ва қадриятларини сақлаш ҳамда ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланган.

Самарқанд вилоятида ҳам бир қанча миллий маданий марказлар самарали фаолият кўрсатмоқда. Бундай муассасалар ўтказаётган тадбирлар вилоятда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган аҳил ва тотув муносабатларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда.

Бош қомусимизнинг 8-моддасида "Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади", дея мустаҳкамлаб қўйилгани мамлакатимиздаги тинчлик-тотувлик ва миллатлараро бағрикенглик кафолатидир. Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда ишлаб чиқилган Асосий қонунимиз фуқароларимизнинг фаровон ҳаётини, барча миллат ва элатларнинг миллий тотувлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Юртимизда қатор миллат ва элат вакилларига ўз она тилида таълим олиш имкониятининг яратилгани, таълим-тарбия ишларининг 7 тилда олиб борилаётгани ҳам кўпмиллатли давлатимиз бағрикенглигидан яққол далолат беради.

Қолаверса, бу Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасидаги ижтимоий-сиёсий соҳадаги устувор вазифаларга ҳамоҳанг ва уйғундир. Партия дастурида миллати, дини ва эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, Ўзбекистон халқи ва барча фуқароларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш давлатимиз сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири саналади. Бунинг натижаси ўлароқ мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ҳам Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларидан фойдаланиб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ватанимиз тараққиётини таъминлаш ва халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётир.

**Ирода ОРИФЖОНОВА,**
**Самарқанд давлат университети талабаси,**
**ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли**

MILLIY TIKLANISH
46 (367) 2015 йил 25 ноябрь, чоршанба

Демократик кучлар блоки

# Қонун ҳужжатлари инвентаризацияси

## ва таҳлили жараёнида асосий эътибор уларнинг партия сайловолди Платформасига мос келиши ва электорат манфаатларини ҳимоя қилишига қаратилмокда

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**

Қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказишдан асосий мақсад — амалдаги қонунларнинг бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган меъёрларини янада такомиллаштириш, нормалари ишламаётган ёки икки томонлама талқин қилинаётган процессуал қонунларни таҳлил қилиш ҳамда уларни ўзаро уйғунлаштириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришдан иборат. Шунингдек, айрим соҳа ва тармоқлардаги ҳуқуқий камчиликларни бартараф этишга қаратилган зарур қонунлар қабул қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, мазкур соҳалар ва тармоқларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминлаш мақсадида қатор Кодекс, Қонун ва қонуности ҳужжатлари инвентаризациядан ўтказилди, — деди маърузачи.





Дарҳақиқат, амалдаги қонунларнинг бугунги кун талабига жавоб бермайдиган нормаларини таҳлил қилиш ва мослаштириш, устувор вазифалар ва ислоҳотлар натижалари бўйича янгилаш долзарб аҳамият касб этади.

Йиғилишда Демократик кучлар блокига бирлашган ЎзЛиДеП ва ЎзМТДП фракциялари масъул бўлган Қонунчилик палатасининг қўмиталари — Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Саноат, қурилиш ва савдо масалалари, Аграр ва сув хўжалиги масалалари, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари томонидан ўз йўналишларига оид Кодекс, Қонун ва қонуности ҳужжатлари ўрганиб чиқилиб, таҳлил қилинганига эътибор қаратилди. Масалан, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" ҳамда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунларнинг айрим нормаларини ўзгартириш ҳамда уларга тегишли қўшимчалар киритиш масалаларида аниқ таклифлар тайёрланган. Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси эса "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Ноширлик фаолияти тўғрисида", "Реклама тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлигини билдирди.

Тадбирда таъкидланганидек, қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш, таҳлил қилиш ҳамда таклифларни ишлаб чиқиш жараёнида асосий эътибор Демократик кучлар блокига бирлашган фракцияларнинг ўз партияси Дастури ва сайловолди Платформасига мос келиши, электорат манфаатлари ҳимоясига қаратилди. Шу билан бирга, қонун ҳужжатларини сайловчилар билан учрашувлар чоғида улар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида келгусида янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан Демократик кучлар блокининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ташаббус натижа берди

# Нуротада боғчалар фаолияти янада яхшиланади

## халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи томонидан киритилган ташаббус-масала юзасидан сессия қарор қабул қилди

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**

Халқ депутатлари Нурота туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи туман Кенгаши сессиясига киритган "Тумандаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ҳолати ва истиқболлари" масаласи ана шулар жумласидандир. Мазкур масала юзасидан туман Кенгаши сессияси қарор қабул қилгани бу борада олиб борилаётган ишларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

— Мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, оила ва ижтимоий тарбиядаги муштаракликни таъминлаш ҳамда тарбиячи-педагогларнинг касб малакасини ошириш муҳим масалалардан биридир, — дейди ЎзМТДП Нурота туман кенгаши раиси Саттор Ғаффоров. — Чунки бола тасаввури шаклланиши жараёнида боғча муҳим ўрин тутади. Бола у ердаги ижтимоий муҳит, тарбиячиларнинг билим ва малакаси таъсирида аста-секин камол топиб боради. Демак, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлари мазкур масалани туман Кенгаши сессиясига киритгандан сўнг соҳага масъул бир қатор ташкилот ва муассасаларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги йўлга қўйилди, ҳудудимизда болаларни боғчага қамраб олишнинг ҳолати ўрганилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Айни пайтда ҳудудимиздаги 14 мактабгача таълим муассасасида мингга яқин келажагимиз эгалари тарбия топмоқда, — дейди туман хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Гулруҳ Бобомуродова. — Уларга масъул бўлган педагог-тарбиячиларнинг умумий сони 162 нафардан иборат бўлиб, шундан 19 нафари олий, 143 нафари ўрта махсус маълумотга эга. Рақамлардан ҳам англаш мумкинки, ҳали ҳудудимиздаги боғчаларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўлами кенг. Шу нуқтаи назардан, сессияга ЎзМТДП гуруҳи киритган мазкур масала ўсиб келаётган ёш авлодга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга. Сессияда педагог кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг билими ва малакасини ошириш масаласи алоҳида муҳокама этилгани, тегишли идораларга муайян вазифалар юклатилгани ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида муҳим роль ўйнайди.

Дарҳақиқат, халқ депутатлари Нурота туман Кенгаши қарорига биноан туман ҳокимлиги мутасаддилари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, туман ички ишлар бўлими ҳамда қатор ташкилот, идора ва муассаса раҳбарлари зиммасига аниқ ва мақсадли вазифалар юклатилди. Жумладан, мактабгача таълим муассасаларига етти ёшгача бўлган болаларни тўлиқ қамраб олиш ва бу масканларга юқори малакали, олий маълумотли педагог кадрларни жалб қилиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги "Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги ҳамда 2010 йил 18 июндаги "Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда тумандаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини таҳлилий ўрганиш, боғчаларда бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланишининг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назоратини кучайтириш масаласи белгиланиб, тегишли масъуллар бириктирилди.

Мухтасар айтганда, мазкур ташаббус-масала натижасида тегишли қарор қабул қилингани ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган болаларнинг руҳий-маънавий дунёси ва маданий савиясини ўстириб бориш, оилавий қадриятларни ардоқлаш, ижтимоий соҳадаги ишлар самарадорлигини ошириш борасидаги вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир".

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Депутат минбари

***Кундалик ҳаётда барчамиз оиламиз, ўзимиз учун нимадир сотиб олиш ёки бирор хизмат турига мурожаат этиш орқали истеъмолчига айланамиз. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг қонуний ҳимояси, энг аввало, Бош қомусимиз — Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, юртимизда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар, ижрочилар) ҳурмат қилишига замин яратувчи бир қатор қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.***

# Истеъмолчи ҳуқуқи ва манфаати

## қонун ҳимоясида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида Фарғона вилоятида ўтказилган семинар ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида сўз юритилганда, дастлаб унинг қонунчилик асослари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Асосан, XX асрда қўлланила бошланган бу ҳуқуқ турида хавфсизлик, маълумотлар олиш, сифатсиз товарлар орқали етказилган зарарни қоплаш, истеъмолчилар манфаатларини давлат томонидан ҳимоялаш, жамоат ташкилотларига бирлашиш ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари, асосан, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун воситасида ҳимоя қилинмоқда. 30 моддадан иборат амалдаги қонунда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, унга амал қилинмаслиги оқибатида келиб чиқадиган салбий оқибатлар ва бундай ҳолатларда кўриладиган ҳуқуқий таъсир чоралари, истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари шунингдек, суд ҳокимияти томонидан таъминланиши белгилаб қўйилган. Бироқ истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини ҳам кучайтириш муҳим саналади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 28 ноябрда "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Мазкур қарор ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир ишларни фаоллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 18, Солиқ кодексининг 72, 119, 329 ва 330-моддаларида, Фуқаролик кодексининг 30 дан зиёд моддаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида тегишли меъёрлар ўз аксини топган. Уларда фуқаролар йиғинларида Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия тузилишидан тортиб, олди-сотди жараёнлари амалга оширилганда, истеъмолчига касса ёки товар чеки берилиши, даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилиниши каби масалаларгача қамраб олинган.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар орасида 2015 йилнинг январь ойидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуни ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қонунда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат ҳокимияти органлари билан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро ижтимоий шерикликдаги фаолияти муҳим соҳалардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Бу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда 400 мингдан зиёд аъзога эга бўлган Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари, ҳудудий партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳам бу борада аниқ ишлар, ташаббусларни илгари сураётгани эътиборга молик.

Йиғилишда мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишлаб чиқарувчилар (сотувчилар, ижрочилар) ҳурмат қилишига замин яратувчи меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилишига эришилаётганлиги таъкидланди. Шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, бу борада юзага келаётган айрим муаммоларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Истеъмолчиларнинг танлов эркинлигини таъминлаш учун бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантириш, монополияга қарши қонунчиликни такомиллаштириш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқарувчи корхоналар билан савдо ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик тизимини шакллантириш бугуннинг долзарб вазифаси, давр талаби эканлиги таъкидланди. Бу эса ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги мақсад-вазифаларга уйғун ва ҳамоҳангдир. Бу жараёнда партиямиздан сайланган депутатларнинг фаол иштироки эл-юрт манфаатларини ҳимоялаш, дастурий мақсад-вазифаларни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

**Назир СОБИРОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

Қўмита йиғилиши

# Саноат ривожи — иқтисодий барқарорлик омили

***Мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон аграр ўлкадан саноат мамлакатига айланди. Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодий ўсиш суръатлари 8 фоиздан кам бўлмай келаётгани юртимизда барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар натижасидир.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси "Ўзбекистонда саноатни диверсификациялаш ва модернизациялашнинг долзарб масалалари" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, истиқлол йилларида иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришилмоқда. Бунда саноат соҳасини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, йирик лойиҳа ҳамда дастурларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани муҳим аҳамият касб этаётир. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 январда Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида сўзлаган маърузасида иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва саноатни диверсификация қилиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш энг устувор вазифа сифатида таъкидланган эди. Шу маънода 2015 йил ва кейинги йилларда мамлакатимизни истиқболли иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш доирасида иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва саноатни диверсификация қилиш, маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ҳамда тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур устувор вазифаларни амалга ошириш, ўз навбатида, мамлакатимизнинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтиришга олиб келади.

Семинарда иқтисодиёт тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, уларнинг натижалари атрофлича муҳокама қилинди. Хусусан, бу борада Иқтисодиёт, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирликлари, "Ўзавтосаноат", "Ўзбекенгилсаноат" компаниялари, Савдо-саноат палатаси вакиллари 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот бердилар. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда иқтисодиётда ишлаб чиқариш турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, саноат соҳаси ривожи иқтисодиёт қудратини кучайтиради, рақобатдошликни оширади, янги иш ўринлари ташкил этилиши ҳамда аҳоли даромадлари ошишида муҳим ўрин тутади. Саноат тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш эса ўз навбатида, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади. Саноатда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш импорт ўрнини босувчи янги турдаги халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини беради. Модернизация жараёни эса мамлакатимиз иқтисодиётини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замон талабларига мос саноат муҳитини яратишга хизмат қилади. Масалан, биргина енгил саноат соҳасида ҳар йили 20 фоиз ўсишга эришилаётган бўлса, бу йил уни 22 фоизга етказиш режалаштирилган. Бу эса соҳани модернизация ва диверсификация қилишнинг натижаси сифатида эътироф этилди.



Депутатлар саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдириб, бу борада эркин иқтисодий зоналар ва логистика марказлари фаолияти жадал суръатда ривожланаётганини қайд этдилар.

Қўмита йиғилишида муҳокама этилган масалалар ЎзМТДП дастурий вазифалари билан уйғун ва ҳамоҳангдир. Зеро, партия сайловолди Платформасида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, янги, замонавий технологияларни жорий этишга кўмаклашиш мақсад-вазифалари белгиланган. Шунингдек, мамлакатимиз минтақаларида фаолият юритиб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловлар масаласида имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш партия эътиборидаги муҳим масалалардан биридир. Семинарда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзолари партиявий мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир якунида муҳокама этилган мавзу юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Муҳтарама РАМАЗОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Миллий ғурур

# “Мамлакатимиз иқтисодиётига ўз ҳиссамни қўшсам”

## дейди янги русумдаги электромобиль ихтиро қилган андижонлик Ойбек УМАРОВ

***Бугун фан ва техника соҳаси кенг тараққий этмоқда. Замонавий илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш, янги технологиялар ва инновацион маҳсулотлар яратилиши ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорга рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш кўламини кенгайтириш имконини бермоқда. Бу соҳадаги ҳар қандай янгилик тезда омма эътиборини жалб қилади. Яқинда андижонлик ёш ихтирочи янги русумдаги электромобиль ихтиро қилди.***



— Болалигимдан техника соҳасига қизиқишим баланд, — дейди Андижон компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи битирувчиси Ойбек Умаров. — Мактабда ўқиб юрган кезларим дадамдан электроника сирларини ўрганганман. Бу соҳага қизиқиш менга дадамдан ўтган. Барча ўзбек оилалари сингари биз ҳам ун, ёғ, сабзавотларни бозордан олиб келамиз. Шу каби кундалик юмушларда оиламизга қулайлик яратиш учун камчиқим бўлган транспорт воситасини яратиш фикри туғилди. Ўқишдан бўш пайтим, дам олиш кунлари уйимиздаги устахонада уч ғилдиракли спорт автоциклини ясашга киришдим. Бу ишим якунига етгач, иккинчи ишга қўл уриб, скутер ясадим. Уни тайёрлашда иқлимимизни инобатга олиб, дала жойларга чиққанда муаммо туғилмаслиги — чанг, қум, лой кириб кетмаслиги учун карбьюраторни тескари жойлаштирдим.

Скутернинг янги русумини синаш учун Андижон кўчаларида миниб юрганимда, ушбу техника кўпчиликнинг эътиборини тортди. Навбатдаги ишим электромобиль яратиш бўлди. Бунинг учун бозорда сотиладиган материаллардан фойдаландим. Электромобилнинг асосий қисмини оддий труба, швейлердан ясаб, корпусини тиклашда пластмассадан фойдаландим. Бир ишга меҳр қўйиб киришсангиз, унинг уддасидан чиқар экансиз. Бозордан пайвандлаш ускунасини сотиб олиб, техниканинг барча қисмини ўзим йиғдим ва ишга туширдим. Мамлакатимизда қуёшли кунларнинг кўплиги мен ихтиро қилган автомобилга қувват бериш учун қулай имконият яратади. Ушбу электромобиль оддий электр розеткасидан икки соатда тўйинади. Бир марта электр токига тўйинган электромобиль соатига 40-45 километр тезлик билан ҳаракатланган ҳолда 120 километр йўл босади. Электромобилнинг олд қисмига қалдирғоч расмини чизиб, бу моделни “Қалдирғоч” деб номладим...

Ҳар қандай ихтиро инсонлар оғирини енгил қилиш, уларга наф келтириш учун яратилади. Техника воситаларига буюртма туша бошлагач, тиниб-тинчимас Ойбек Умаров ўз ижод маҳсулига қандай баҳо берилишини билиш мақсадида пойтахтга келди.

— Янги моделимга муаллифлик ҳуқуқи, яъни патент олиш учун тегишли ташкилотга учраганимда, у ердаги мутасаддилар ихтироларимни батафсил ўрганиб чиқди. Автоцикл, скутер ва электромобилнинг техник имкониятлари уларда ҳам ижобий таассурот қолдирди. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Мутахассисларнинг фикрича, ихтироларимни кенг кўламда ишлаб чиқариш мумкин экан. Ҳозир, уларнинг мукаммал чизмаларини тайёрлаяпман, — дейди Ойбек.

Ёш ихтирочи электромобилни янада қулай ва тежамкор қилиб яратиш устида изланиш олиб бормоқда. Техникани турли шароитларда синаб, мавжуд камчиликларини бартараф қилиш ҳам осон эмас. Ойбек ясаган электромобиль туризм соҳаси учун жуда қўл келади. Ҳозирдан дам олиш масканлари ва истироҳат боғларидан мана шундай уловлар зарурлиги бўйича буюртмалар тушмоқда. Насиб қилса, яқин йилларда кўча ва ҳиёбонларимиз бўйлаб, андижонлик ёш ихтирочи ясаган машиналарнинг ҳаракатланаётганини кўрсак, ажаб эмас.

— Ҳали режаларим кўп. Автоцикл, скутер, электромобилни янада такомиллаштириш ҳамда қуёш энергияси ёрдамида ҳаракатланадиган автомобиль ясашга киришмоқчиман. Бу ишларим билан нафақат кундалик юмушларимизни енгиллаштиришга, балки мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига оз бўлсада ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман, — дейди ёш ихтирочи.

Дарҳақиқат, Ойбек Умаров каби ёшлар мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшиш билан бир қаторда, унинг довруғи дунё бўйлаб ёйилишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ғоялари ҳам у сингари ёшларимиз интилишлари билан ҳамоҳанг. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланганидек, партия жамиятнинг истеъдодли ва омилкор аъзоларининг яратувчанлик меҳнатига интилишларини қўллаб-қувватлашни ўзининг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

**Ойдин АЛИМАРДОНОВА**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Бугуннинг гапи

***Алла замирида халқимизнинг инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатликни улуғловчи эзгу қадриятлари мужассам. Алла оналар томонидан бешик ёки беланчакни тебратган ҳолда ижро этиладиган, онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, орзу-умидлари, яхши ният ва тилакларини ифода этадиган қўшиқдир.***

Таниқли санъаткорларимиз ижросида алланинг бир неча вариантлари қўшиқ сифатида ижро этилган. Илгарилари бундай қўшиқларни асосан жонли ижрода, телевизор ёки радио орқали эшитган бўлсак, энди замонавий технологиялар ривожланиши натижасида имкониятлар янада кенгаймоқда.

“Қизим ёшига тўлди, кўз тегмасин, йиғлоқи эмас. Бешикка белаб, телевизорни қўйиб ишимни қилиб юравераман, ўзи ухлаб қолади”, дейди қўшни келин Маликахон.

# Алланинг ҳам фонограммаси борми?!

## ёхуд меҳру муҳаббатдан яралган оҳанг фақат маънавиятга хизмат қилсин

“Нима, болангизга алла айтмайсизми?” — ҳайрон сўрайман. Келинчак эса бепарво қўл силтайди: “Чарчайман-да, унгача ўзим ухлаб қоламан”.

Яна бир ёш она эса ўзича анча қулай йўлни топган: боласига қўл телефонига ёзиб олинган қайсидир хонанда ё ўзи айтган аллани қўйиб беради. Буёғи энди алла ҳам фонограмма. “Жонли ижро”га эса вақт, ҳафсала йўқ.

Бироқ масаланинг яна бир томони бор. Фан ва технология тараққий этган асримизда доимий ҳамроҳимиз ва яқин дастёримизга айланган мобиль телефондан таралаётган электромагнит тўлқин соғлигимизга қанчалик зарар етказаётгани ҳақида кўпинча ўйлаб кўрмаймиз. Унинг униб-ўсиб келаётган болалар саломатлигига зарари янада юқори бўлишини мутахассислар бот-бот таъкидламоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, гўдак она қорнидалигидаёқ маълум даражада ташқи муҳит таъсирида бўлади. Бола қалби эса борлиқни дастлаб мусиқа орқали танийди. Халқимизнинг бебаҳо қадрияти бўлган аллада воқелик ва ғоя бор, онанинг ҳиссиёти, орзулари мужассам. Алла орқали болага эзгу ғоялар сингдирилади. Она алласи воситасида бола руҳига эзгу тилаклар, улуғ аждодлар ўгити, муносиб ворислик масъулияти ҳам жо бўлади. Меҳр нурига йўғрилган алла эшитиб улғайган боладан ёмонлик чиқмайди, дейишади.

Бироқ бугун айрим ёш оналарнинг бунга бепарво бўлаётгани кишини ўйга толдиради. Наҳотки, бугунги фан-техника тамаддуни гўдакларни ҳам ўз таъсир доирасига олган бўлса? Нима, тарбияда алла-эртакларнинг ўрни қолмадими?

Бу ҳақда жамоатчилик ва соҳа мутахассисларининг фикрлари билан ҳам қизиқдик.

— Илгари фарзандларимга аллаю эртаклар айтардим, ҳозир набиралар тарбиясида ҳам келинларимдан шуни қаттиқ талаб қиламан, — дейди бухоролик ўқитувчи Тошбиби Эсонова. — Буюк мутаффакир Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” китобида шундай ёзади: “Боланинг мижозини кучайтирмоқ учун, унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бири бешикни секин-секин тебратиш, иккинчиси болани ухлатиш учун оҳиста аллалашдир. Шу иккисини қабул қилиш миқдорига қараб боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдоди ҳосил бўлади”.

Алла — бешик қўшиғи. У тарбиявий восита бўлиш билан бирга, халқ оғзаки ижоди намунаси ҳамдир. Болани йўргаклаш, бешикка солиш, ухлатиш, уйғонган болани йўргакдан ечиб олиш сингари машғулотлар куйлар, чиройли оҳангдор сўзлар билан безалган бўлади... Бундай дилни эркаловчи қўшиқлар болага ҳам хуш ёққан. Алла айтишни ўргатувчи, бадиҳагўй аёллар бўлган. Бундай аёлларга энагалар ҳам киради. Алла бола туғилгандан то бешикдан чиққунча айтилган.

— Замонавий тиббиёт ҳам чақалоқнинг тинглаш қобилияти она қорнидаёқ шаклланиб улгуришини исботлади, — дейди аллашунос Мунаввара Ёқуббекова. — Бу борада ўтказилган тадқиқотлар етти ойлик ҳомилага онанинг кайфияти ва фикрлари катта таъсир этишини кўрсатади. Шу боис мутахассислар бўлғуси оналарга ҳомила учун вақти-вақти билан қўшиқ куйлашни, эртак ёки шеърлар айтиб беришни тавсия қилади. Алланинг ижро услуби мутлақо эркин бўлиб, асосан, тўртликлардан иборат бўлади. Аллани илк бор қачон, ким куйлагани номаълум. Аммо шу нарса аниққи, у дунёдаги биринчи қўшиқ бўлиб, унинг ижрочиси онадир. Шунинг учун ҳам файласуфлардан бири аёлни мадҳ этаркан, “дунёнинг илк шоири ҳам, бастакори ва куйчиси ҳам онадир”, деб ёзган эди.

— Боланинг чақалоқлигида алла айтилишида жуда кўп маъно бор, алланинг сўзини ҳар бир она ўз боласи учун ўзи тўқийди, унга дилидаги эзгу ниятлари ва орзуларини қўшиб айтади, — дейди Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ўқитувчиси, психология фанлари номзоди Шоҳиста Самарова. — Гарчи бола алланинг сўзларини тушунмаса ҳам оҳанг орқали англаб, 5-10 дақиқада уйқуга кетади. Алла эшитишга одатланган боланинг мия фаолияти тўйиниб, ривожланиб боради. Кўпинча ёш оналар қўшиқ қўйса ҳам бўлади, деган фикрда. Бу буткул нотўғри. Сабаби алла она қалбидаги меҳрнинг фарзандига бўлган изҳоридир. Бунда гўдак нафақат ором олади, балки қалбида онанинг энг яхши ниятлари илдиз отади.

Афсуски, баъзи аёллар болани тинчлантириш учун уларнинг хоҳишига қараб мультфильм ва куй-қўшиқлар қўйиб беради. Бироқ бунда бола ёшини ҳам инобатга олиш лозим. Уч ёшгача бўлган болалар экранда кўрган нарсаси орқали ҳеч нарсани англай олмайди. Фақатгина ранглар боланинг диққатни ўзига тортади, бу эса аста-секин нохуш ҳолатга олиб келиши мумкин. Аввало, кўзни шикастласа, кейинчалик мия фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бир нарсага эътибор қаратса, иккинчисини буткул унутади. Бу ҳолат компьютер ўйинларга берилиб кетган болаларда ҳам учрайди. Айниқса, бугун турли ёт ғоялар билан йўғрилган ёки маъносиз енгил-елпи мультфильмлар ҳам борки, бола улардан ижобий ўрнак олади, деб айта олмаймиз. Мисол учун, бир йил аввал қўшнимнинг катта ўғли тўрт ёшли укасининг бошига кубик ўйинчоқлар қўйиб, уни уриб туширмоқчи бўлган. Отган нарсаси боланинг бошига теккан: боши лат еган, қаттиқ қўрққан. Улар буни айнан мультфильмдан ўрганган экан. Шу сабаб болага 4-5 ёшидан ёшига мос мультфильмларни кўришга рухсат бериш лозим бўлади.

Бугун ҳатто мультфильмларда ҳам қандайдир маънода мафкуравий ғоя яширинган дейиш мумкин. Мисол учун, беғаразгина кўринган “Том ва Жерри” мультфильмида мушук ва сичқоннинг бир-бирини пойлаб келиб ёқиб юбориш, пичоқ санчиш ҳолатларини кўрган болада ҳам юқоридаги сингари воқеаларга мойиллик пайдо бўлмайди, деб ҳеч ким айтолмайди. Шу сабаб, уларни ёт ғоялардан асрашда улар кўраётган бир қарашда беғараз кўринган мультфильмларга ҳам эътиборли бўлишимиз лозим. Бунда, аввало, алла билан катта бўлган боланинг маънавий дунёсини эртаклар билан бойитиш зарур бўлади. Биламизки, болага яхши хислатларни сўз билан сингдириш жуда яхши самара беради. Унинг тасаввурини бойитади, фикрлаш доираси ўсади ва кўрган, эшитгани ҳақида ўйлаб кўриш тушунчаси пайдо бўлади. Шундагина биз четдан келаётган бегона ғоялардан болани ҳимоялай оламиз. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учун айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз отади.

Бу фикр-мулоҳазалардан, фарзандларнинг гўдаклигиданоқ мурғак қалбларини меҳр-муҳаббатга, маърифатга ошно этишда энг биринчи мураббий она эканлиги яна бир бор тасдиғини топгандек. Шу боис бугун юртимизда оила аталмиш муқаддас даргоҳнинг мустаҳкам қўрғон бўлиши, келажагимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак бериш масалаларига устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, оила ва жамият олдидаги масъулиятини кучайтириш, оила қуриш арафасидаги йигит-қизларга зарур психологик, ҳуқуқий-ижтимоий кўмак бериш каби бир қатор вазифалар амалга оширилаётир. Мана шундай жараёнларда ҳар бир оиланинг нуронийлари бўлган момоларимиз, онахонларимизнинг ўрни беқиёс. Ёш оналарга фарзанд улғайтиришда қадриятларимиздан бўлган аллаю эртакларнинг моҳияти нечоғлик муҳим эканлигини сингдириб бориш лозим бўлади.

Бу Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ғоя-мақсадларига ҳам ҳамоҳангдир. Айниқса, пария томонидан “Алла” фестивалининг ўтказилаётгани ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда соғлом тафаккурни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Қизларимизни миллий маънавий қадриятларимизнинг энг сара намуналаридан фойдаланишга тайёрлаш, оиланинг муқаддаслиги, фарзанднинг ноёб неъмат экани ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш, болаларга меҳру оқибат сабоғини бериш каби мақсадларни амалга оширишда “Алла” фестивали каби лойиҳалар муҳим ўрин тутади.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Боқий мерос

# Тошга битилган санъат

***Халқимизнинг тарихи, моддий-маънавий мероси, орзу-истак ва интилишларини ўзида мужассам этган, уста-ҳунармандларимиз томонидан зўр иштиёқ, маҳорат, юксак дид билан яратилган миллий ҳунармандчилик буюмлари асрлар оша нафақат биз, балки дунё аҳлини ҳам ҳайратга солиб келмоқда. Ана шундай ҳунарлар ичида ноёб санъат — марморга ишлов бериш бўлиб, уни ҳунарларнинг энг қадимийси, десак адашмаймиз. Инсон жуда қадим замонлардан бери ўз эҳтиёжи учун турли-туман табиий тошлардан фойдаланади. Бундай тошлар кенг тарқалган ўлкаларда тош асосий қурилиш материали ҳисобланади. Унинг турига қараб уй-рўзғор буюмлари, ранг-баранг жиҳоз ва асбоблар, безак ашёлари тайёрлашда кенг қўлланилган.***

Ўрта Осиё, жумладан, юртимиз табиати турли-туман тошларга бой бўлиб, қимматбаҳо тошлардан бадиий ва безак буюмлари тайёрлаш, нодир тошлардан заргарликда фойдаланиш жуда қадим замонлардан ривожланган. Мисол учун, Қизилқумдан неолит даврига тегишли заргарлик устахонасининг қолдиқларидан феруза тақинчоғини тайёрлашда фойдаланилган чақмоқтош, эговлар топилган. Неолит даврида тош бадиий ишланганлигини Чустдан топилган археологик топилмалардан ҳам кўриш мумкин. Айниқса, Фарғона вилоятидаги Сўх қишлоғидан топилган қора тошдан ишланган тумор диққатга сазовор. Тошлардан буюмлар яратишдан аста-секинлик билан биноларнинг безак ишларида ҳам фойдаланиш ривожланиб борган. Буни тарихий ёдгорликларимизда, қолаверса, бугун бу ҳунар тури авлоддан-авлодга ўтиб ривожланаётганини тоштарашликнинг гўзал намуналарида кўришимиз мумкин.

Мана шундай ҳунармандлардан бири Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Ғазғон қишлоғида истиқомат қилувчи марморга ишлов бериб, тош билан “тиллашиш”нинг ҳадисини олган тоштарошлар сулоласининг саккизинчи авлоди Тоҳир Раҳимовдир. Уста ота-боболарининг касбини ардоқлаб, меҳнати ва маҳорати билан эл-юртда ҳурмат-эътибор қозониб келмоқда.

— Ота-боболаримиз дастлаб мармардан уй-рўзғор буюмлари ясаган, — дейди уста. — Кейинчалик қурилишда мармардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилди. Мармарга ишлов бериш катта машаққат ва қунт талаб этади. Ясалаётган буюмга қараб, мармар тури аниқланади. Масалан, бежирим товоқ ва буюмлар ясашда мармарнинг эгилувчан тури танланади. Бунда тошга ишлов бериш жараёнида турли даражадаги дарз кетиш ҳолатлари кузатилмайди. Қадимда аждодларимиз юпқа мармарга ишлов беришда эритилган шамдан кенг фойдаланган. Шунда тош бироз юмшаб, эгилувчанлик хусусиятига киради. Натижада буюмга ўта нозик дидли нақшларни ҳам тушириш имконияти юзага келади. Ғазғондаги мармар конларини табиатнинг бебаҳо мўъжизаси, дейиш мумкин. Чунки кондаги тош керакли қалинликда қатлам-қатлам жойлашган. Демак, исталган ўлчамдаги хомашёни табиат ўзи инъом этаётир. Бу ғазғонлик нафис санъат усталарига яратилган табиий қулайликдир. Бундай санъатни кенг тарғиб қилиш имконини мустақиллик берди. Юртимиз истиқлолга эришгач, миллий ҳунарамандчилик анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган “Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони биз уста-ҳунармандларнинг эмин-эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар, кўплаб имтиёзлар яратиб берди. Шу сабаб ҳунаримиздан халқимиз ва юртимизга ташриф буюраётган меҳмонлар баҳраманд бўлмоқда.

Бугун юртимизнинг юздан зиёд мажмуаларида уста Тоҳир Раҳимов томонидан ишланган тош ўймакорлигининг ноёб намуналари бор. Самарқанд, Сурхондарё, Бухородаги кўплаб ёдгорликлар ва бир қанча меъморий мажмуаларда устанинг меҳнати самараларини кўриш мумкин.

—Тоштарошлик санъати юзаки меҳнатни ёқтирмайди, —дейди уста. — Бу ҳунар жуда катта матонат, билим, чидам ва изланишни талаб қилади. Ҳозиргача унинг ўйиқ ва бўртиқ йўналиши шаклланган. Ҳар қандай нақш, ўйма ёзув, ҳайкал ёки миллий ҳунармандчилик намуналари шу икки усулда яратилади. Бу икки усулдан бўртиқ усули ишни чиройли кўрсатади. Шу сабаб машаққати кўп бўлсада, шогирдларим билан шу усулда ишлаймиз. Тош санъати ниҳоятда нозик бўлиб, бунда уста меъморчилик, тарих, чизмадан бохабар, кенг мушоҳадага эга бўлиши лозим...

Мамлакатимизда тарихий масканларни обод этиш ва қайта тиклаш, қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юксак маҳорати билан миллий ҳунармандчилигимиз намуналарини асл ҳолича келажакка етказишдек шарафли ишда ташаббус кўрсатаётган усталар, қўли гул ҳунармандлар муносиб рағбатлантирилаётир. Моҳир тоштарош Тоҳир Раҳимов ҳам Президентимиз фармонига мувофиқ, 2004 йилда “Шуҳрат” медали, 2011 йили “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланди.

От изини той босар, деганларидек, устанинг ўғли Рафиқжон ҳам ўз фаолиятида ўзбек миллий тош ўймакорлиги санъати услубларида ижод қилиш билан бирга, унинг қадимий йўналишларини асраш, қайта тиклаш ҳамда замонавий меъморчиликда қўллаш бўйича катта натижаларга эришмоқда. У яратган мураккаб нақшлар, бир-бирини такрорламайдиган ўйма гуллар билан сайқалланган мармар устунлар мамлакатимизнинг йирик бино ва иншоотларига кўрк бериб турибди. Улар сирасига кўҳна Самарқанд шаҳридаги Регистон мажмуасидаги ишини киритиш мумкин. Ёш уста ҳар бир иншоот учун ўзига хос ўйма нақш, меъморий услуб яратиб, бино безагининг янада жозибадор бўлишига ҳаракат қилади.

— Айни пайтда 20 дан ортиқ шогирдим бор. Уларга ўзимдаги бор билим, тош ўймакорлигининг сир-асрорларини ўргатишга ҳаракат қилаяпман, — дейди Рафиқжон Раҳимов. — Аммо бу ҳунарни пухта эгаллаш учун инсоннинг ўзида ҳам истеъдод, сабр ва чидам бўлиши керак. Мен кўплаб шогирдларимда ана шуларни кўраман. Улар келажакда мустақил Ватанимизда ҳунар эгаларига берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, юртимизда бунёд этилаётган бинолар кўркига кўрк қўшадилар, деган умиддаман.

— Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ юртимизда миллий ҳунармандчиликка бўлган эътиборнинг кучайиши тоштарошлик санъати ривожига ҳам кенг йўл очди. Бугун Ғозғонда бу ҳунар билан шуғулланаётганлар анча. Эътиборли жиҳати, ҳудуд ёшларининг бу ҳунарга бўлган қизиқиши ортишида Тоҳир Раҳимов сингари меҳнаткаш ва тиришқоқ усталарнинг хизматлари катта, — дейди ЎзМТДП Нурота туман кенгаши раиси Ғаффор Сатторов.

Бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ғоя-мақсадлари мана шундай ҳунармандларни қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Партиянинг сайловолди Платформасида қурилиш ва безак ишларида энг яхши хорижий тажриба ва миллий меъморчилик анъаналарини қўллаш, тарихий шаҳарларни қайта таъмирлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга ошириш вазифалари белгиланган.

**Ўралой Турдиева,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

MILLIY TIKLANISH
46 (367) 2015 йил 25 ноябрь, чоршанба

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун**

# Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш

### Асосий қонунимизда кафолатланган

***Суд ҳокимияти — мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг асосий механизмларидан. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг қонунчилик асослари замон талабига мувофиқ такомиллашаётгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширмоқда. Мазкур тизимни ислоҳ қилиш жараёнида, энг аввало, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки фақат шундагина кишилар судга жазоловчи орган сифатида эмас, балки ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган орган сифатида мурожаат қилади ва суд давлат ҳокимиятининг мустақил учинчи тармоғига айланади.***



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар томонлама мукаммаллиги, хусусан, унда суд ҳокимияти мустақиллиги ҳамда одил судловни амалга ошириш воситасида фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатлангани суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида муҳим омил бўлмоқда. Зеро, Асосий қонунимизнинг 106-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, сиёсий партия ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият юритиши белгилаб қўйилган. Бу эса амалиётга одил судловни холис, юқори савияда татбиқ қилиш имконини бераётир.

Конституциянинг 112-моддасида ҳам "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади", деб белгилаб қўйилган. Ушбу конституциявий талаблар асосида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари юксак самара бераётир.

Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, суд-ҳуқуқ ислоҳотларида, аввало, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда суд ишларини юритишнинг процессуал тартибини соддалаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, миллий қонунчилигимизни дунё стандартларига, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларига мослаштиришга қаратилган муайян чоралар кўрилди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинди. Улар асосида инсон ҳуқуқларини амалга оширувчи ва ҳимоя қилувчи органлар ва давлат идораларининг ҳуқуқий базаси яратилди. Айниқса, 2001 йилнинг 29 августида "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ривожини янги босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"-ги ва 2005 йил 8 августдаги "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонлари бу борадаги ислоҳотлар равнақида муҳим қадам бўлди.

Қонун ҳужжатларини амалда тўлиқ ижро этиш шахслар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки қабул қилинган ҳуқуқий меъёр белгиланган тартибда ижро этилмас экан, мазкур қонуннинг аҳамиятига, нуфузига путур етади, жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифалари тўлиқ бажарилмай қолади. Шунингдек, суд қарорларининг ижро қилинмаслиги қарздор манфаатига хизмат қилиб, ундирувчининг танг аҳволда қолишига сабаб бўлади. Оқибатда иқтисодий соҳада ўзаро рақобат ва тенг шерикчилик муносабатларига путур етади, иқтисодий ўсиш самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Конституциямизнинг 114-моддасида: "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир", деб белгиланган. Ушбу конституциявий қоида ижросини таъминлаш борасида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти зиммасига катта масъулият юклатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дастлаб суд ижрочилари судлар таркибида бўлиб, улар ўзлари чиқарган қарор ижросини ўзлари амалга оширар эди. Бу эса, ўз навбатида, судьяларнинг ортиқча вақт сарфлаши ҳамда иш самарадорлигига таъсир этмай қолмасди. Ушбу муаммоларнинг олдини олиш, судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида 2001 йил 22 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди. Суд департаменти зиммасига суд қарорларини ижро этиш, шунингдек, судлар фаолиятини моддий-техника билан ҳамда моливий таъминлаш каби асосий вазифалар юклатилди. Бу эса, ўз навбатида, судларни ўзига хос бўлмаган вазифаларни бажаришдан озод қилиб, судлар томонидан чиқариладиган процессуал ҳужжатларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

Суд департаменти ташкил этилиши натижасида унинг жойлардаги ҳудудий бўлимлари ҳамда суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлинмалари ташкил этилди. Суд ижрочисининг фаолият доираси аниқ белгиланиб, улар зиммасига судлар ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш асосий вазифа сифатида юклатилди. 2001 йил 29 август куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунига асосан суд ижрочиларининг фаолият доираси, ижро ҳужжатларини қабул қилишдан бошлаб, унинг якуний натижасига қадар амалга оширилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар доираси, суд ижроси мақоми белгилаб берилди. Суд департаменти ташкил этилгандан сўнг қисқа фурсат ичида юқоридаги қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу билан бирга, бир қанча қонуности ҳужжатлар ҳам қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 31 август, 2007 йил 1 ноябрь, 2012 йил 29 декабрдаги Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолияти ва тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2009 йил 15 июлдаги "Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган низомларнинг қабул қилиниши натижасида ижро ҳужжатларининг мажбурий ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш механизми такомиллаштирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунига "Қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш" тўғрисидаги меъёрнинг киритилиши ижро ҳужжатларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Суд-ҳуқуқ тизимида қисқа муддат ичида бундай кенг қамровли ислоҳотларнинг амалга оширилиши аввало, ҳуқуқий-демократик, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ҳамда суд тизими самарадорлигини ошириш, судлар ва бошқа органлар томонидан чиқарилаётган ҳужжатларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга хизмат қилаётир.

**Садриддин ХИДИРОВ,**
**Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи, юридик фанлари номзоди**

---

**Кўргазма**

# Миллий матбуотимиз намойиши

***Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш жараёни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, милий ахборот маконини ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Шу боис миллий матбуотимизни янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.***




Жорий йилнинг 18-20 ноябрь кунлари "Ўзэкспомарказ" мажмуасида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган "Ўзбекистон матбуоти" V Миллий кўргазмасида бу жиҳатлар яққол намоён бўлди.

Кўргазманинг асосий мақсади — юртимизда фаолият юритаётган барча медиа ташкилотлар саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш орқали миллий ахборот маконини жадал ривожлантириш, фуқаролик жамияти тараққиётига кўмаклашишдан иборат. Унда юртимиздаги ўттиздан ортиқ нашриёт ва нашриёт-матбаа ижодий уйи фаолияти, уларда чоп этилаётган китоблар, қўлланмалар, газета, журнал ҳамда бошқа матбаа маҳсулотлари билан танишиш имкони пайдо бўлди. Кўргазмада нафақат марказий, балки ҳудудлардаги даврий нашрларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Даврий босма нашрлар, нашриётлар ва электрон оммавий ахборот воситалари ўз маҳсулотларини жамоатчилик эътиборига ҳавола қилди.

— Мазкур кўргазма ижодий маҳсулотларимизни намойиш этиш, ўзаро тажриба алмашишда жуда қўл келмоқда, — дейди "Бухоро ёшлари" газетаси бош муҳаррири Лайло Ҳайитова. — Чунки бу ерда республика ва вилоят нашрларининг деярли барчасини учратиш мумкин. Газетамизнинг ёш ижодкорларида ҳам бу кўргазма катта таассурот қолдирди. Тажрибали журналистлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, ношир ва матбаачилар билан мулоқотлар барчамиз учун бирдек фойдали бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, юртимизда оммавий ахборот воситалари қўллаб-қувватланиб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори ОАВ мустақиллигини таъминлаш, соҳани янада равнақ топтиришга мустаҳкам замин яратди. 2015 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги рўйхатга олган оммавий ахборот воситаларининг сони 1422 тага (688 газета, 295 журнал, 15 ахборотнома-бюллетень, 4 ахборот агентлиги, 65 телевидение, 31 радио, 324 веб-сайт), матбаа корхоналари 1677, нашриётлар 112 тага етди.

Албатта, бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим дастуриламал бўлаётир. Бугун матбуот, телевидение ва радиоканалларнинг Интернетдан жой олиши учун беқиёс имкониятлар мавжуд. Бу эса барча соҳадаги туб ўзгаришларнинг очиқлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кўргазма доирасида "Болалар адабиёти" иккинчи матбаа кўргазмаси ҳам ташкил қилинди. Ундан кўзланган мақсад — мамлакатимиздаги нашриётлар томонидан чоп этилаётган болалар адабиётини кенг жамоатчиликка тақдим этиш, ота-оналар, ўқитувчилар, ёшларни бу борадаги янгиликлар билан яқиндан таништириш, навқирон авлоднинг мутолаа маданиятини юксалтиришдан иборат.

Кўргазмада "Йилнинг энг яхши китоби" республика кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорлари аниқланиб, уларга дипломлар топширилди.

**Аҳмад ЮСУПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

---

**Огоҳлик**

# Ёнғин хавфсизлиги учун

### барчамиз масъулмиз

***Қиш эшик қоқмоқда. Бу фаслда фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи бирмунча кўпайиши ёнғин хавфи ортишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар мамлакатимизда Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.***

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, пойтахтимизда содир бўлаётган ёнғинларнинг маълум қисми қурилиш объектларига тўғри келмоқда. Бу эса давлат ва фуқароларнинг мол-мулки, моддий бойликларига жиддий зиён етказади. Ёнғинлар келиб чиқишининг сабаби — қурилиш майдончаси ва вагонларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, қурувчиларнинг электр ва иситиш ускуналаридан фойдаланишда эҳтиётсизликка йўл қўйиши билан боғлиқ.

Бу каби салбий ҳолатларга йўл қўймаслик учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур. Яъни, электр ва газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган жойлар атрофи ёнувчи буюмлардан тозаланиши, портловчи модда ва ускуналардан узоқда бўлиши ва албатта, ўт ўчириш воситалари билан таъминланиши керак. Хоналарни иситиш ва қуритиш учун қўлбола электр иситиш анжомлари ва турли электр ускуналарини қаровсиз қолдирмаслик, носоз электр тармоқларидан фойдаланмаслик ҳам ёнғиннинг олдини олишда муҳим омилдир. Бундан ташқари, қурилиш майдончаси бирламчи ёнғин ўчириш қалқонлари билан таъминланиши лозим. Қурилиш майдончасида чекиш, очиқ алангадан фойдаланиш мумкин эмас.

Қурилиш майдончасида вақтинчалик сақланувчи ёнувчи қурилиш материаллари қурилаётган ва қурилган бинолардан узоқ масофада сақланиши мақсадга мувофиқдир. Уйлаймизки, ойлик доирасида бу борадаги ишлар қўлами янада кучайтирилади.

Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъий риоя этиш бўйича ўтказилаётган тадбирлар, жумладан, ёнғин хавфсизлиги ойлиги бундай бахтсиз ҳодисаларга қарши курашишда ўз самараларини бермоқда. Ушбу эзгу ишга ҳисса қўшиш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, ёнғинни ўчиргандан кўра, унинг олдини олган маъқул.

**Бекжон РАХМОНАЛИЕВ,**
**Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант**

---

**"SIRDARYO UNIVERSAL KIM OSHDI SAVDO SERVIS" масъулияти чекланган жамияти томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади! "Ховос туман МТП" ОАЖнинг 2015 йил 17 ноябрдаги 99-сонли хати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли, 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорларига асосан, "Ховос туман МТП" ОАЖ ҳовлисида сақланаётган қуйидаги кўчар мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда:**

| № | Кўчар мулклар номи | Бошланғич баҳоси | № | Кўчар мулклар номи | Бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | гнутый профиль | 940 500 | 11 | изоляция профнастиль сендвич | 950 625 |
| 2 | гнутый профиль | 2 815 800 | 12 | изоляция профнастиль сендвич | 2 760 550 |
| 3 | гнутый профиль | 468 900 | 13 | профнастиль | 780 300 |
| 4 | гнутый профиль | 2 195 200 | 14 | панель плита | 960 000 |
| 5 | уголок | 211 120 | 15 | дарвоза рамкаси | 210 000 |
| 6 | уголок | 308 560 | 16 | кран балка | 8 453 168 |
| 7 | уголок | 562 500 | 17 | двутавр | 2 784 000 |
| 8 | двутавр | 7 616 000 | 18 | рельс | 1 044 000 |
| 9 | двутавр | 1 764 000 | 19 | труба | 1 026 000 |
| 10 | метал рамкага сетка қилинган | 571 500 | | | |

Аукцион савдоси 2015 йил 11 декабрь куни соат 11:00 да ўтказилади, сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2015 йилнинг 18, 25, 30 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Ушбу кўчар мулклар билан "Ховос туман МТП" ОАЖнинг ишончли вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар "савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ҳар бир мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳар бир мулк учун алоҳида мулк номлари кўрсатилган ҳолда "SIRDARYO UNIVERSAL KIM OSHDI SAVDO SERVIS" МЧЖнинг, "Асака" банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: Х-Р: 2020 8000 5004 0989 4001,
МФО: 00373,
ИНН: 303 121 227.

Савдо ғолибига 10 банк иш куни ичида сотувчи билан топшириш ва қабул қилиш далолатномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, А.Навоий кўчаси 46-уй, 3-қават, 310-хона, телефон: 235-03-57. Хизматлар лицензияланган: реестр тартиб рақами № 224, Гувоҳнома № 0224, 17 декабрь 2014 йилда берилган.

Бизнинг шарҳ

# Польша парламенти

## қонун лойиҳаси қуйи палатада тўрт ўқишда кўриб чиқилиб, Сенатга юборилади

***Польша Республикаси — марказий Европадаги давлат. Майдони 312,7 минг квадрат километр. Аҳолиси 38,5 миллион киши. Пойтахти — Варшава шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 16 вилоятга бўлинади. Давлат тили — поляк. Давлат бошлиғи — Президент. Польшанинг амалдаги Конституцияси 1997 йил 2 апрелда қабул қилиниб, 25 майда ўтказилган референдумда маъқулланган.***

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали парламент (қуйи палата — Сейм ва юқори палата — Сенат) амалга оширади. Сейм 460 депутатдан иборат. Юқори палатада 100 сенатор фаолият юритади. Қуйи палатага сайлов умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади. Депутат ва сенаторлар тўрт йил муддатга сайланади. Сейм ва Сенатга сайлов бир пайтда ўтказилади. Сайловни аввалги чақириқ парламент аъзоларининг ваколат муддати тугашига 90 кун қолганда Президент эълон қилади. Сайлов депутат ва сенаторларнинг ваколат муддати тугашига 30 кун қолганида — дам олиш кунида ўтказилади. Депутатлар умумий сонининг учдан икки қисми овоз берган тақдирда Сейм ўз ваколат муддатини қисқартириш юзасидан қарор қабул қилиши мумкин. Сейм аъзолари ваколат муддатининг қисқариши айни пайтда сенаторларнинг ҳам ваколат муддати қисқарганини англатади. Конституцияга мувофиқ, баъзан Президент Сейм ва Сенат спикери (маршали) билан маслаҳатлашгандан сўнг, қуйи палата аъзолари ваколат муддатини қисқартириш юзасидан фармон қабул қилиши мумкин. У ҳолда Сейм билан бирга Сенатнинг ҳам ваколат муддати қисқартирилади. Президент Сейм ваколат муддатини қисқартириш юзасидан фармон чиқаргач, қуйи ҳамда юқори палаталарга сайлов кунини ҳам белгилайди. Сайлов фармон эълон қилинганидан сўнг, 45 кун ичида ўтказилиши лозим. Президент янги сайланган Сейм мажлисини сайлов ўтганидан ўн беш кун ўтиб чақиради.

Сайловга қадар 21 ёшга тўлган мамлакат фуқароси депутат, 30 ёшга тўлган шахс Сенат аъзоси этиб сайланиши мумкин. Депутатлик ва сенаторликка номзодларни сиёсий партиялар, сайловчилар илгари суриши мумкин. Бир вақтнинг ўзида иккала палатанинг аъзоси бўлиш мумкин эмас. Депутатлар ўз фаолиятларига киришиш олдидан қасамёд қабул қилади. Депутат ўз фаолияти учун фақат Сейм олдида жавобгар. Сайлов натижаси эълон қилинган кундан бошлаб, то ваколати тугагунига қадар депутат Сейм розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Сейм ҳамда Сенат алоҳида-алоҳида мажлис ўтказади. Президент палаталарнинг илк мажлисларини сайлов ўтганидан сўнг ўттиз кун ичида чақиради. Қуйи палата ёки Сенат маршали раҳбарлигида палаталарнинг ялпи мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин. Бу Миллий мажлис деб аталади. Миллий мажлис ўз регламентини қабул қилади. Сейм ўз таркибидан Сейм маршали ҳамда вице-маршални сайлайди. Сейм маршали палата мажлисларига раҳбарлик қилади. Сейм доимий ҳамда фавқулодда комиссияларни тузади. Шунингдек, муайян ишлар учун тафтиш комиссиясини ҳам тузиши мумкин. Мазкур комиссиянинг фаолияти қонун билан тартибга солинади. Сейм мажлис-



лари очиқ ва ошкора тарзда ўтказилади. Зарурат туғилганида палатанинг кўпчилик овози билан депутатлар таркибининг ярмидан кўпи иштирокида ёпиқ мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин.

Сейм, Сенат, Президент, Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Шунингдек, қуйи палата сайловида иштирок этиш ҳуқуқига эга фуқароларнинг камида юз минг ташаббускор гуруҳи ҳам қонун лойиҳасини илгари суриши мумкин. Мазкур масала қонун йўли билан тартибга солинади. Қонунчилик ташаббускорлари қонун лойиҳасини илгари сурар экан, қуйи палатага уни амалга оширишнинг молиявий манбалари билан ҳам таништиради. Сейм қонун лойиҳасини тўрт ўқишда кўриб чиқади. Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида унга ўзгартириш киритиш ҳуқуқига унинг ташаббускорлари, депутатлар ҳамда ҳукумат эга. Ташаббускорлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқиш тугагунига қадар қуйи палатадан қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Қуйи палата аъзоларининг камида ярми иштирок этиб, уларнинг кўпчилиги овоз берган тақдирда қонун лойиҳаси қабул қилинган ҳисобланади. Сейм қабул қилган қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун Сенатга тақдим этилади. Юқори палата ўттиз кун ичида қонун лойиҳасига ҳеч қандай ўзгартиш киритмай қабул қилиши, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши ёки уни бутунлай рад этиши мумкин. Борди-ю, Сенат унга тақдим этилган кундан бошлаб ўттиз кун ичида қонун лойиҳаси юзасидан бирор-бир тўхтамга келмаса, қонун қабул қилинган деб ҳисобланади. Сенатнинг қонун лойиҳасини рад этиш, ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорини Сейм депутатларининг мутлақ кўпчилиги рад этмаса, қабул қилинган ҳисобланади. Парламент қабул қилган қонун лойиҳаси кўриб чиқиш ҳамда имзолаш учун Президентга тақдим этилади. Президент қонунни унга тақдим этилган кундан бошлаб 21 кун ичида кўриб чиқиб имзолайди ҳамда уни қонунлар тўпламида чоп этиш юзасидан қарор қабул қилади. Президент қонунни қабул қилишдан олдин унинг Конституцияга қанчалик мувофиқ келиши масаласига ойдинлик киритиш мақсадида уни Конституциявий трибуналга тақдим этиши мумкин. Конституциявий трибунал қонунни Конституцияга мувофиқ деб топса, Президент уни имзоламаслиги мумкин эмас. Борди-ю Конституциявий трибунал қонунни Конституцияга зид деб топса, Президент қонун лойиҳасини рад этиши лозим. Агар қонун баъзи жиҳатлари билан Конституцияга зид келса-ю, Конституциявий трибунал уни Конституцияга мутлақ мувофиқ эмаслиги юзасидан қарор қабул қилмаса, Президент Сейм маршали билан маслаҳатлашиб уни қабул қилади ёки қуйи палатага қайтаради. Президент Конституциявий трибуналга мурожаат қилмай, қонун лойиҳасини ўз таклифларини илгари сурган ҳолда иккинчи маротаба кўриб чиқиш учун Сеймга қайтариши мумкин. У ҳолда депутатлар умумий сонининг камида ярми ҳозирлигида уларнинг бешдан уч қисми қонун лойиҳасини қайта маъқуллаши лозим. Қуйи палата қонунни иккинчи марта қабул қилса, Президент уни кўриб чиқиш учун Конституциявий трибуналга тақдим этиши мумкин эмас. Қуйи палата иккинчи марта маъқуллаган қонун лойиҳасини Президент етти кун ичида имзолаб, уни Польша Республикаси қонунлари тўпламида эълон қилиш юзасидан қарор қабул қилади.

Мамлакатда референдум эълон қилиш ҳуқуқига Сейм, Сенат ҳамда Президент ҳақли. Қуйи палата депутатлари ёки Сенат аъзоларининг камида ярмининг мутлақ кўпчилиги овози билан референдум ўтказилиши мумкин. Вазирлар Маҳкамаси раиси ҳамда унинг бошқа аъзолари депутат сўровига 21 кун ичида жавоб қайтаришга мажбур.

Шу йилнинг 25 октябрь куни Польша парламентига сайлов ўтказилди. Унда "Ҳуқуқ ва адолат" партияси 242 ўрин билан ғолибликни қўлга киритди. "Фуқаролик платформаси", "Kukiz 15", "Замонавий Польша", Польяк деҳқон партиялари ҳам сайловда муносиб иштирок этди. Бошқа партиялар эса сайловда парламентда жой эгаллаш учун етарлича овоз тўплай олмади.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Польша Республикаси Сейми вице-спикери Ежи Вендерлих раҳбарлигидаги парламент делегацияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва ишонч принципларига асосланганлиги таъкидланди. Икки мамлакат ўртасида иқтисодий, инвестициявий, таълим, маданий-гуманитар алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. 30 дан ортиқ ҳукуматлараро ва идоралараро шартнома ҳамда келишувлар имзолангани бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Польшанинг Марказий Осиё минтақасидаги муҳим иқтисодий шерикларидан биридир.

Парламентлараро алоқаларнинг мустаҳкамланиб бораётгани икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Польша парламенти аъзоларининг мамлакатимизга жорий ташрифи ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Давра суҳбати

### САЙЛОВ ТИЗИМИ:

# Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси

***Тошкентда "Сайлов тизими ва қонунчилигини янада демократлаштириш: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси" мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, шунингдек, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбати Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг сайлов қонунчилиги ривожи масалаларини муҳокама қилиш, Ўзбекистон сайлов тизимини халқаро стандартларга мувофиқ ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар билан халқаро ҳамжамиятни таништиришга бағишланди.

Унда Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Франция, Германия, Жанубий Корея, Латвиядан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, сайлов ҳуқуқи соҳаси олимлари ва мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир очилишида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мамлакатимизда мустақиллик йилларида сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизим босқичма-босқич модернизация қилиниши самарасида юксак демократик талабларга мос миллий сайлов тизими яратилганини таъкидлади. Фуқароларнинг шу аснода давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи тўлиқ таъминланмоқда. Бунда Конституциямиз ва қонунларда умумэътироф этилган норма ва принциплар асосида шакллантирилган сайловларни ўтказишнинг демократик принциплари мустаҳкамлаб қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Давра суҳбатида сайлов эркинлиги ва хоҳиш-иродани эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этиши таъкидланди. Сайлов тизимида изчил ва ўзаро уйғун ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бошқа давлат ҳокимияти органларининг аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилгани ҳам сайловларнинг демократиклиги, очиқ ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири бўлди. Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизими, унинг фаолияти асосий принциплари конституциявий норма сифатида белгиланди, шунингдек, Бюджет кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, унинг молиявий мустақиллиги таъминланди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар, шунингдек, 2015 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик сайлов тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир. Мазкур сайловлар натижалари давлат ҳокимияти органларини такомиллаштириш, халқ ҳокимиятининг демократик асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатимизни ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида янада ривожлантиришнинг муҳим босқичига айланди.

Давра суҳбатида **Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори Д.Сабо** сайловлар ҳар бир мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён эканини қайд этди. Ўзбекистон сайловлар ўтказишдек кенг кўламли сиёсий тадбирларни юксак савияда ташкил этиш бўйича ўзига хос улкан тажрибага эга. Бунда сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилгани муҳим омил бўлмоқда.

Тадбир давомида сайлов тизими ва сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг турли жиҳатлари, жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сайлов кампаниясини молиялаштириш, сайлов жараёни иштирокчиларининг жавобгарлиги, партиялараро рақобат, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу муносабат билан сайловчиларнинг ягона электрон реестри фаолияти бўйича чет давлатларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти, мамлакатимизда ҳам бундай реестрнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва ундан фойдаланиш имконияти муҳокама этилди.

**Латвия Марказий сайлов комиссияси раиси А.Цимдарснинг таъкидлашича,** Латвия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, сайловчиларнинг ягона электрон реестридан фойдаланиш фуқаролар ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиради, сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлайди. Сайлов комиссиялари ва маҳаллий органлар ишини енгиллаштириб, сайловчилар тўғрисида аниқ маълумотлар тузиш имконини беради ва «бир сайловчи – бир овоз» принципини таъминлайди. Энг муҳими, сайловчилар масъулиятини ошириб, шикоятлар бўлиш эҳтимолини камайтиради.

Тадбирда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш, сайлов жараёни барча иштирокчиларининг сайлов тўғрисидаги қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этиши, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

**Франциянинг Тулуза шаҳар молиявий суди фахрий вице-президенти Ж.Ракен** Ўзбекистон сайлов қонунчилиги билан танишиб, унинг ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилганига ишонч ҳосил қилганини таъкидлади. Унинг фикрича, мазкур қонунчиликда фуқаролар ҳуқуқлари билан боғлиқ барча жиҳатлар инобатга олингани Ўзбекистонда жамият юксак даражада демократлаштирилганидан далолат беради. Сайлов тўғрисидаги қонунларнинг ягона Сайлов кодекси шаклида кодификация қилиниши барча даражадаги сайловларни ўтказишнинг асосий тамойил ва умумий қоидаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Экспертларнинг фикрича, сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафолатидир. Сайлов кампанияси давомида оммавий ахборот воситалари нафақат сайловчиларни хабардор қилишнинг асосий манбаи, балки муҳим жамоатчилик назорати воситаси ҳамдир. Парламент ва Президент сайловлари жараёнида Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиб бораётгани яққол намоён бўлди.

Давра суҳбати очиқ ва амалий мулоқот руҳида ўтди. Тадбир иштирокчилари Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган, жумладан, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилгани ҳақида якдил фикр билдирди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Ер кўчкиси

**Мьянманинг шимолий қисмидаги Качин штатида юз берган ер кўчкиси оқибатида қурбонлар сони 90 кишига етди, тахминан 100 киши бедарак йўқолди.**



Кўчки шанба куни Хпакан шаҳри атрофида, нефрит қазиб олинадиган кон яқинида содир бўлган. Оқибатда маҳаллий кончиларга тегишли қарийб 70 турар-жой вайроналар остида қолди. Вайрона оқибатларини бартараф этишда қутқарувчиларга маҳаллий аҳоли ва ҳарбийлар кўмаклашмоқда.

## Сара экспонатлар ўғирланди

**Италиянинг Верона шаҳридаги Кастельвеккио музейидан 15 картина, шу жумладан Рубенс, Тинторетто, Пизанелло ва Каротонинг асарлари ўғирлаб кетилди, дея хабар бермоқда "Meduza" интернет нашри.**



Ўғирланган расмлар қиймати 10-15 миллион еврога баҳоланмоқда. 20 ноябрга ўтар кечаси музейга уч нафар қуролланган ва ниқоб таққан жиноятчилар кирган. Бу пайтда бинода бир соқчи ва яна бир музей ходими бўлган. Ўғрилар соқчини картиналар жойлашган залга олиб боришга мажбур қилган. Верона шаҳри мэри сўзларига кўра, ўғирланган асарлар музейнинг энг сара коллекцияси ҳисобланади.

## Оқ каркидон биттага камайди

**АҚШнинг Калифорния штатидаги Сан-Диего ҳайвонот боғида камёб оқ каркидон 41 ёшида нобуд бўлди, дея хабар бермоқда "RIA Novosti".**



У дунё бўйича ушбу ноёб турнинг тўрт вакилидан бири эди. Сан-Диего ҳайвонот боғида яшаб келган Нола лақабли каркидонда сўнгги вақтларда фаолликнинг сусайиши ва иштаҳанинг йўқолиши кузатилган. У, шунингдек, тос суягида ривожланган инфекциядан ҳам азоб чеккан. Сўнгги кунлар ичида Ноланинг аҳволи ёмонлашгач, ҳайвонот боғи жамоаси каркидонни заҳарлаб ўлдиришга қарор қилди.

Турнинг энг сўнгги вакиллари — бир эркак ва икки урғочи оқ каркидон Кениядаги экваториал табиат қўриқхонасида сақланади.

## Дорбознинг жаҳон рекорди

**Дорбоз Тео Сансон икки қизил қоя ўртасида тортилган арқондан юриб ўтиб, жаҳон рекордини ўрнатди.**



Қоялар АҚШнинг Юта штатидаги Кастл водийсида жойлашган. Қоялар оралиғидаги масофа — 497 метр. Аввалги рекордни Ник Валленд ўрнатган эди. Ўшанда у Мехикода арқон устида 475 метр масофани босиб ўтганди.

*Интернет материаллари асосида тайёрланди*

MILLIY TIKLANISH
46 (367) 2015 йил 25 ноябрь, чоршанба

Мозийдан садо

# Тошҳовли — бебаҳо тарихий обида

***Хоразм замини қадимий ва бой маданияти, гўзал ҳамда бетакрор обидалари, ноёб осори-атиқалари билан дунё сайёҳларини ҳамиша ўзига ром этиб келмоқда. Айниқса, кўҳна ва навқирон Хива истиқлол йилларида янада кўркам қиёфа касб этиб, маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳлар қадами узилмайдиган гавжум шаҳарга айланди.***

Марказий Осиёдаги ягона очиқ осмон остидаги шаҳар-музей ёдгорлиги — Ичан қалъага ташриф буюрувчилар халқимизнинг буюк ўтмиши, аждодларимизнинг мислсиз иқтидори, маънавий қудратидан далолат берувчи кўп асрлик ёдгорликлар билан танишиб, уларнинг бунёдкорлик салоҳиятини эътироф этаётир. У 140 дан ортиқ археологик обидалар, кўп минг йиллик меъморчилик, халқ амалий санъатига оид доимий кўргазма ва экспозицияларни ўзида мужассамлаштирган.

Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги "2013 — 2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Бинобарин, мазкур ҳужжат Ичан қалъада сайёҳликни равнақ топтиришда янги даврни бошлаб берди. Ҳозир шу асосда музей-қўриқхона ҳудудида қурилаётган биноларнинг қандай мақсадларга мўлжаллангани, неча қаватдан иборатлиги, ёдгорликлар теварак-атрофидан ўринли равишда фойдаланилиши қатъий назоратга олинган. Бунёдкорлик ишлари давомида эса нафақат обидаларни таъмирлаш, балки уларни тарихий муҳитга мослаштириш ҳам кўзда тутилмоқда. Шунингдек, дам олиш дастурларини янада мазмунли ўтказиш мақсадида Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театрининг энг қизиқарли спектакллари танлаб олиниб, сайёҳлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Ичан қалъани томоша қилар экансиз, беихтиёр шаҳарнинг бир неча минг йиллик тарихи кино тасмасидагидек кўз олдингиздан ўтади. Икки ярим минг йиллик шонли тарих, аждодларнинг табаррук



хотираси дилга чексиз ифтихор туйғусини бахш этади. Тарих шунчаки воқеалар баёни эмас, балки инсонни келажак сари дадил қадам ташлашга руҳлантирувчи илҳомбахш достонга, қўшиққа айланади. Хорижий сайёҳларнинг мафтункор шаҳарни бунёд этган халқ заковати олдида лол қолаётгани бежиз эмас.

Тошҳовли ёдгорлиги маҳобат ва гўзалликда хивалик меъмору наққошларнинг салоҳиятини ўзида тўла мужассам этади. Тошҳовли 1830-1838 йилларда сарой сифатида қурилган. Унинг қурилишига Хоразмнинг энг яхши усталари, наққошлари, кошинпазлари сафарбар қилинган.

Мажмуанинг Тошҳовли деб аталишига унинг ҳашаматли ва ниҳоятда чиройли экани, деворлари пишиқ ғиштдан терилганлиги сабаб бўлган. У учта катта ҳовли ҳамда бешта кичик ҳовли ва 163 хонадан иборат. Ёғоч устунлар, мармар тошлар, шифтларга битилган ёзувлар унинг саккиз йил давомида қурилганини тасдиқлаб турибди.

Тошҳовли мажмуасида XIX асрдаги Хива меъморчилик мактабининг энг мукаммал анъаналари ҳар томонлама ўз ифодасини топган. Ганч, мармар, ёғочдаги нафис ўймакорлик ва металдаги кандакорлик безаклари ҳамда шифтлардаги ажойиб нақшлар истеъдодли усталарнинг маҳоратини тўлиқ намоён қилади. Унинг деворлари расмлар галереясини эслатади. Ложуворд панноларда ўсимликсимон ва гирих (геометрик) нақшлар акс эттирилган. Ҳайратланарлиси, рассом-кулоллар саройнинг бир ҳовлиси деворига ишланган нақшларни иккинчи ҳовли деворида такрорламасликка ҳаракат қилганлар.

Тошҳовли мажмуасида, шунингдек, ёғоч ўймакорлигининг ҳам энг гўзал намуналари мавжуд. Ёғоч устунларга учта қатлам қилиб ўйиб ишланган нақшлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Устунлар бир неча жойидаги нақшинкор белбоғсимон ҳошиялари билан Хива миноралариrа менгзайди.

Ёғоч устунлар оқ мармардан ишланган асосларга қўйилган. Ушбу асослар ҳам чинакам сангтарош ўймакорлик санъати намунасидир. Уларга ўсимликсимон ва гирих (геометрик) нақшлар ишланиши билан бирга битиклар битилган.

Томошабин нигоҳи ложувард деворлардан ёрқин сариқ қизғиш ранглардаги шифтга тушади. Тошҳовлида ҳар бир хона шифтидаги бўртма гирих ва ҳовзак нақшлар иккинчи хонада такрор ишлатилмаган. Нақшларга чуқур разм солинса уларда бир олам орзу ва умид мужассамлигига гувоҳ бўласиз. Негаки, ҳар бир нақш ўз маъно-мазмунига эга. Масалан, мадоҳил уч барг нақши дунё абадийлиги ҳамда яхши фикр, яхши иш маъносини англатади. Жуда кўп учрайдиган ислимий нақшлар ҳам бойлик ва фаровонлик рамзини ифодалайди. Япроқ, новда — баҳордаги уйғонишни, анор гули эса меҳр-муҳабат, тўкин-сочинлик ифодаси.

Ўзида маҳобат ва нафосатни мужассам этган ушбу меъморий ёдгорликда бугунги кунда "Хоразм ҳунармандчилиги тарихи" музейи экспозицияси ташкил этилган. Бу ерда қадимда Хоразм воҳасида мавжуд бўлган читгарлик (матога гул босиш), темирчилик, кўнчилик (чарм тайёрлаш), ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, тикувчилик каби ўнлаб ҳунарлар тўғрисида тўлиқ маълумотни акс эттирувчи экспонатлар жамланган. Бу ашёлар музейга ташриф буюрган ҳар бир кишида ўтмишда ота-боболаримиз шуғулланган ҳунармандчилик турлари, ва маҳсулотлари тўғрисида тасаввур уйғотади.

— Мамлакатимизда миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни ўрганиш, маънавий-маърифий, маданий мерос намуналарини авлодларга бус-бутун етказиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. — дейди мажмуа директори Ботир Давлатов. — Узоқ ўтмишимиздан дарак берувчи осори-атиқаларни асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказиш музей фаолиятининг асосини ташкил этади. Ичан қалъа давлат музей-қўриқхонаси Бутунжаҳон мероси рўйхатидан жой олган маданий ёдгорликдир. Бугунги кунда бу ёдгорликда бой тарихимизни ҳаққоний ёритилишига ҳисса бўлиб қўшилувчи янги-янги экспозициялар очиш, мавжуд меъморий обидалар, ноёб ашъёлар ва нодир коллекцияларни сақлаш, ўрганиш ҳамда кенг миқёсда тарғиб этиш борасида изчил изланишлар олиб борилмоқда.

Хивада асрлар давомида маданий анъаналаримиз ривожланиб, чуқур илдиз отган. Шу анъаналар билан меҳмонларни тобора кенг таништириш учун Ичан қалъа давлат музей-қўриқхонаси ходимлари музейшунослик соҳасидаги саъй-ҳаракатларини амалга оширмоқда. Чунончи, Тошҳовли меъморий ёдгорлиги ҳам ўтмиш маданиятимиздан хабар берувчи яна бир дурдона сифатида юртимиз меҳмонларига намойиш қилиниши билан бирга миллий ҳунармандчилигимизга доир янги-янги маълумотлар билан бойитилмоқда.

**Алишер РАҲМОН,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ҳурматли тадбиркорлар!
«Асака» банк
ASAKA BANK

«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси), «Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилаётганлигини маълум қилади. Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:

ЛОЙИҲАЛАР
Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, кенгайтириш ёки амалдаги ишлаб чиқаришларни реконструкция қилиш.

ҚАРЗДОР
**«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:**
-Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар;
-ўз маҳсулотлари ёки хизматларини Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларга сотувчи ёки Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларнинг маҳсулотлари ва хизматларини сотиб олувчи компаниялар.
**«Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:**
Ўзбекистон Республикаси резидентлари – хусусий кичик корхона, қўшма корхона, акциядорлик жамиятлари.

КРЕДИТ МАҚСАДИ
**«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:**
Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар учун:
-асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ўрнатиш;
-стратегик инвестициялар.
Корея Республикаси капитали иштирок этмаган компаниялар учун:
-Корея Республикаси капитали иштирокидаги компанияларга асбоб-ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш;
-Корея Республикаси капитали иштирокидаги компаниялардан асбоб-ускуналар ва хизматларни сотиб олиш.
**«Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:**
Импорт асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олишни молиялаштириш ҳамда ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш.

www.asakabank.com

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:**
**(+99871) 120-81-77, 120-82-98, 120-82-66, 120-82-29.**

«Асака» банк – тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

Хизматлар лицензияланган

**ЭЪЛОН!**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони партиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда фойдаланиш учун қуйидаги тарғибот материалларини чоп этиш ва тайёрлаш бўйича тендер эълон қилади:
- партия рамзи туширилган блокнот;
- партия рамзи туширилган пакет (қоғоз);
- партия рамзи туширилган елим;
- партия рамзи туширилган ручка;
- партия рамзи туширилган пирамидасимон календарь (А-5);
- партия рамзи туширилган календарь (А-2);
- партия рамзи туширилган органайзер;
- кўкрак нишони;
- ҳисоб варақаси;
- партия рамзи туширилган жилд (А4);
- аъзолик билети.

**Телефонлар: 239-45-77, 277-60-15**

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# Саломатлик хазинаси

***Халқимиз турпни қиш меваси дея эъзозлайди. Чунки табиатимиз кеч кузда тортиқ қиладиган бу сабзавот қиш бўйи дастурхонимизга кўрк бағишлайди. Шу билан бирга, бу илдизмева саломатлик хазинаси бўлиб, юртимизда қадим замонлардан буён етиштирилади.Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" асарида унга шундай баҳо беради: "Турпнинг энг кучли нарсаси унинг уруғи, сўнгра пўсти, ундан кейин барги ва ниҳоят этидир".***



Дарҳақиқат, турп таркибида жуда кўп органик моддалар, дармондорилар, ҳаётбахш унсурлар мавжуд. Турп шарбатида, айниқса, калий жуда юқори. Бу эса юрак-қон томир тизимига ниҳоятда фойдалидир. Шунингдек у қандли диабет касаллигига фойда: организмдаги қон миқдорини меъёрига келтиради. Таркибидаги бошқа ҳаётбахш моддалар эса овқат ҳазм қилиш аъзолари фаолиятини яхшилайди.

Халқ табобатида турп билан асал аралашмаси ҳар хил жароҳат ва яраларга малҳам сифатида қўлланилади. Сурункали йўталга қайнатиб пиширилгани тавсия этилади. У пешоб ҳайдаш, балғам кўчириш хусусиятига эга, шамоллаш, томоқ ва ўпка касалликларини даволашда айни муддао. Қолаверса, турп қизамиқ, юқори нафас олиш йўлларининг яллиғланиши, бронхит касалликларида яхши самара беради. Манбаларда қайд этилишича, турп киши аъзоларидаги ортиқча холестерин моддаси чиқиб кетишини жадаллаштириб, хавфли атеросклероздан муҳофаза қилади. Ўтида тоши бор беморлар турп шарбатидан ҳар кеч уйқу олдидан 100 граммдан (кейинчалик 400 граммгача) истеъмол қилсалар, бу нохуш дарддан тезда фориғ бўлишлари мумкин.

Ўлкамизда етиштирилган турп навлари ўзининг хушхўрлиги ва чучуклиги билан ажралиб туради. Улардан қуйидаги усулда шифобахш шарбат олиш мумкин: сархил турп илдизмевасининг дум тарафидан пичоқ билан ўйилиб, "кўзача" ясалади. Унга тоза асал солиниб, 4-5 соат кутилади. Сўнгра турп мағзидан ажралиб чиққан шарбатдан истеъмол қилинади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, турп илдизмеваси меъда-ичак яраси, гастрит, энтерит, гепатит касалликларига чалинган беморларга тавсия этилмайди.

БИЛАСИЗМИ?

- Овқат тайёрлашга мўлжалланган дунёдаги илк электр плитани 1883 йилда канадалик олим Томас Ахерн ихтиро қилган.
- АҚШлик кашфиётчи Жесс Рено 1892 йилнинг 15 мартида илк эскалатор ихтироси учун патент олди. Дунёдаги дастлабки эскалатор Нью-Йорк шаҳридаги "Кони-Айленд" хиёбонида сайёҳларга мўлжалланган аттракцион сифатида ишга туширилган. Илк метро эскалатори эса 1911 йилда Лондон метрополитенининг "Earl`s Court" бекатида ишга туширилди.

ТУРФА ОЛАМ

# "Эътиборталаб" робот

**Япониянинг Тойохаши университети муҳандислари "Talking-Ally" роботини ихтиро қилди.**



Роботнинг ўзига хос томони, суҳбатдошининг унга нисбатан эътиборсизлигини дарров пайқайди ва уни бундан огоҳ этади. "Talking-Ally" у билан суҳбатлашадиган инсоннинг нигоҳларини кузатиб туради. Борди-ю суҳбатдоши тўсатдан эътиборини бошқа объектга қаратса, унинг диққатини яна ўзига қаратишга ҳаракат қилади. Робот суҳбатдошининг диққатини нима чалғитганини билиш учун бошини буради ёки шунчаки "мен ҳали шу ердаман" дейди.

"Talking-Ally"ни синовдан ўтказиш учун суҳбат жараёнида хонадаги телевизор ёқиб қўйилди. Одамлар телевизорда намойиш этилган спорт мусобақаларига кўпроқ эътибор қаратаётганини пайқаган робот уларни дарҳол суҳбатга чорлади.

# Тартибсевар "Талли"

**АҚШнинг "Simbe Robotics" компанияси супермаркет расталаридаги тартибни назорат қилишга мўлжалланган "Талли" роботини ихтиро қилди.**



Робот ҳисоблагич тизими ёрдамида расталарни сканердан ўтказиб, уларнинг нечоғлик тўлалиги, маҳсулотларнинг тўғри жойлаштирилгани ҳамда нархланишдаги хатоликларни аниқлаш имкониятига эга. Унинг ихтирочилари робот қўшимча инфратузилмаларга эҳтиёж сезмаслиги ҳамда дўкон ишчиларига ҳеч қандай муаммо туғдирмай ишлай олишини таъкидлашмоқда. "Талли"нинг оғирлиги 12,6 килограмм, баландлиги 96 сантиметр. Робот эҳтиёж туғилганида мустақил равишда қувватланиш учун белгиланган жойда ҳозир бўла олади.

Маълумки, йирик супермаркетларда иш қайнайди, шундай пайтда унинг ходимлари ҳисоб-китобда адашиб кетиши ҳеч гап эмас. "Simbe Robotics" компанияси мутахассислари мазкур робот супермаркетлардаги ана шундай муаммоларга ечим топишда кўмаклашишини таъкидламоқда. Бугун АҚШнинг бир неча дўконларида мазкур робот хизматларидан фойдаланилмоқда.

**Ш.ҒАФФОРОВ тайёрлади.**

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши Наманган муҳандислик-технология институти ректори, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутати Одилжон Маматкаримовга отаси
**Охундада Маматкаримовнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Беҳзод НОРБОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1125, Адади — 5438. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Дилфуза РЎЗИЕВА
**Навбатчи:** Шаҳзод ҒАФФОРОВ
**Саҳифаловчи:** Илҳом ЖУМАНОВ
**Электрон почта:** e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 01.00.
ЎзА якуни — 21.30.
ISSN 2010-7714